

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кредит-иқтисод факультети

декани, и.ф.н., доц.

Саттаров О.Б. _____

“ _____ ” _____ 2014 й.

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

НАИМОВ ШОМУРОД ОЛИМОВИЧ

**ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

5340700 – “Банк иши” таълим

йўналиши бўйича

бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

к.ўқ. Рашитов Н

“ _____ ” _____ 2014 й.

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Банк иши”

кафедраси мудири

доц. Д. Саидов.

“ _____ ” _____ 2014 й.

Тошкент - 2014

МУНДАРИЖА

		Бетлар
	КИРИШ	3-5
I БОБ.	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН МИЖОЗ-ЛАРНИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	6-25
1.1.	Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг назарий асослари.....	6-13
1.2.	Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш усуллари ва тамойиллари.....	13-25
II БОБ.	ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИ	26-57
2.1.	Ўзбекистонда тижорат банклари кредит кўйилмаларининг таркиби ва динамикаси.....	26-42
2.2.	Қисқа муддатли кредитлаш жараёнида миқдорларининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётининг таҳлили.....	43-58
III БОБ.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	59-67
	ХУЛОСА	68-70
	ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	71-74

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Кредитлаш жараёни тижорат банкларининг муҳим фаолият йўналишларидан бири ҳисобланиб, ундан самарали фойдаланиш банклар молиявий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини доимий таҳлил қилиб, такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Кредитларни ўз муддатида қайтарилиши банклар ва мижозлар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига Президентимиз И.А.Каримов алоҳида эътибор қаратиб шундай дейди: “Табиийки, биз орқа-олдига қарамай кредит бериш тарафдори эмасмиз, чунки уларнинг бир қисми охир-оқибатда қайтарилмай қолиши мумкин. Лекин банклар учун хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари орасидан ишончли мижозлар доирасини шакллантириш вақти келди. Токи кредитлар мижозларнинг қарзларни қайтариш борасидаги ишончли нуфузи ҳамда барқарор молиявий кўрсаткичлари асосида берилсин”¹.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган банк тизимидаги ислохотлар уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини кучайтиришга, капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўламларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилашга имконият яратди. ”Ўтган йили банк тизимини ривожлантириш ва ислох этиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, мустаҳкамланмоқда, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. 2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди.”²

Ҳақиқатан ҳам республикаимиз тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилаётган кредитларнинг ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда.

¹ Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -455 б.

² И.Каримов 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон. 2014

Иқтисодийни модернизациялаш босқичида республикаимиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Республикаимизнинг баъзи банкларида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Шунингдек, баъзи тижорат банкларида кредитларнинг банк активлари умумий ҳажмидаги салмоғининг пасайиши кузатилмоқда. Юқорида қайд этилган кредит портфелидаги камчиликлар барча кредитларга хос бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш тижорат банклари кредитлаш жараёнини барқарорлаштиришни тақозо этмоқда.

Битирув малакавий ишининг мақсади – Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиқиб, унинг олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- тижорат банклари кредитлаш амалиётининг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- хорижий банкларнинг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини тадқиқ этиш ва умумлаштириш;
- мамлакат тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини таҳлил қилиш ва унга хос бўлган ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;
- тижорат банклари миқозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимларини таҳлил қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

Битирув малакавий ишининг объекти Ўзбекистон Республикасининг қатор йирик тижорат банклари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети тижорат банклари қисқа муддатли кредитларини бериш ва қайтариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлардир.

Битирув малакавий ишининг назарий аҳамияти шундаки, битирув малакавий иши натижалари материалларидан олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларида “Пул, кредит ва банклар”, “Банк иши” фанларининг тегишли мавзуларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ушбу ишда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг 1-бобида тижорат банклари томонидан миқдорларни қисқа муддатли кредитлашнинг назарий-ҳуқуқий асослари ўрганиб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг 2-бобида Ўзбекистонда фаолият юритаётган тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишининг 3-боби Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштириш истиқболларига бағишланган.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН МИЖОЗЛАРНИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг назарий асослари

Хўжалик юритувчи субъектларга ва аҳолига кредитлар бериш тарихан тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Тижорат банкларининг пайдо бўлиш тарихига бағишланган илмий тадқиқотларга назар ташласак, банклар аввало биринчи навбатда кредит операцияларини бажариш зарурияти туфайли юзага келганлигини гувоҳи бўламиз. Аксарият муаллифларнинг қарашларига кўра, банклар товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ равишда эмас, балки кенг кўламдаги кредит операцияларини амалга ошириш зарурияти туфайли пайдо бўлган. Рус иқтисодчи олими И.Трахтенберг фикрига кўра, капиталистик корхоналарнинг фаолияти кредитсиз ривожлана олмай қолган даврда, банклар, тарихий зарурият сифатида юзага келди, шаклланди³.

Дастлабки банкларнинг ходимлари шуни тушуниб етдиларки, ҳаракатсиз ётган йирик миқдордаги пул маблағларини вақтинчалик фойдаланишга бериш орқали катта миқдорда даромад олиш мумкин. Шу сабабли, кредитни бериш ва унинг қайтарилишини таъминлаш масаласи юзага келди. Дастлабки даврларда кредитлар учун гаров сифатида кемалар, товарлар, нодир металллар, уй-жойлар ва куллардан фойдаланилди.

Тижорат банкларининг юзага келиши ва ривожланишига бағишланган қатор илмий тадқиқотларда банкларнинг фаолиятида миждозларга ҳисоб-китоб хизматини кўрсатиш кредит операцияларидан кейин юзага келганлиги ўз исботини топган⁴.

Маълумки, кредит тўғрисидаги назариялар, жумладан, кредитнинг қиймат назарияси, капиталлашув назарияси ўтган асрнинг бошларида

³ Трахтенберг И.А. Современный кредит и его организация. - Москва: Л., 1931. -С.191.

⁴ Бортник М.Ю. Денежное обращение и кредит капиталистических стран. - Москва: Финансы, 1967. -С.47.

яратилган. Шу сабабли, мазкур назарияларда кредитдан фойдаланишнинг ҳозирги замон шароитидаги хусусиятлари инобатга олинмаган.

Ҳолбуки, ҳозирги даврда кредитдан фойдаланиш шарт-шароитларида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, бизнинг назаримизда, биринчи навбатда, халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган Базель талаблари билан боғлиқ. Бунда кредит рискинни бошқаришга нисбатан белгиланган талабларни кучайишида, дунёнинг кўплаб давлатларида кредитнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги салмоғининг сезиларли даражада ўсаётганлигида, кредитлашнинг нисбатан янги шаклларида фойдаланиш кўламини кенгаётганлигида ва кредит таъминотида нисбатан белгиланган талабларни кучайишида намоён бўлмоқда.

Кредит қийматнинг ҳаракати эканлиги ҳамда бу ҳаракатни товар ва пул кўринишидаги маблағларни қайтариб беришлик, муддатлилиқ, тўловлилиқ асосида бериш натижасида юзага келиши кўпгина етакчи иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган айрим муаллифларнинг кредит муносабатларига бағишланган ишларида таҳлил қилиш жараёнида кредит термини, кредитлаш жараёни кўрсатиб ўтилган. Айни вақтда, ушбу категорияга берилган таърифдан кредит ва кредитлаш фаолияти тўғрисидаги, кредитнинг макродаражада фақат бир томонлама эмаслиги исботланган. Кредитнинг функциялари, ҳаракат қонунлари ва охир-оқибат унинг иқтисодий ўсишдаги ўрни ҳақида тўлақонли маълумот берувчи назариялар шаклланган.

Шуниси характерлики, иқтисодий адабиётларда кредит тушунчасининг ўзи бир-биридан фарқланувчи икки шаклда талқин этилади. Биринчидан, кредит пул маблағларини маълум муддатга қайтариб беришлик ва фоиз тўлашлилик шартлари асосида беришни англатади. Иккинчидан, кредит сўзи таржима қилинганда “ишонч” деган маънони англатишини инобатга олсак, миждознинг кредит тўловига лаёқатлилиги кредиторнинг унга ишониш имконияти сифатида тушунилади. Шу сабабли, кредит банклар учун нафақат

пул маблағларини мижозга беришни, балки бошқа бир қатор амалиётларни, жумладан, банк томонидан мижоз мажбуриятлари бўйича кафолатлар беришни ҳам англатади. Бунда банклар томонидан кўпчилик ҳолларда кредитни бериш ва мижознинг мажбуриятларини кафолатлаш ўртасида мавжуд бўлган аниқ фарқлар ҳисобга олинмайди. Мижозларнинг мажбуриятларини кафолатлаш амалиётларига хужжатлаштирилган аккредитивлар қўйиш, мижознинг пуллик мажбуриятлари бўйича кафолатлар бериш, мижозларнинг векселлари бўйича авал бериш амалиёти киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Кредит” тушунчаси тўғрисида яна тўхталадиган бўлсак, кредитнинг ссуда капитали ҳаракатининг шакли эканлигини кўриш мумкин. Айрим ҳолларда кредит тушунчасига “қарзга берилаётган ссуда (товар, пул кўринишида) тижорат ишончи” дея таъриф берилишини гувоҳи бўламиз.

Бизнинг фикримизча, кредитга энг мақбул таъриф бу – вақтинча бўш турган маблағларни маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

Иқтисодий адабиётларда кредит фаолиятининг объекти ва субъектига таъриф бериш орқали иқтисодий фаолият турига кирувчи ва асосий мақсади даромад олишга ҳамда ўз манфаатларига эришишга йўналтирилган фаолиятга кредит фаолияти сифатида таъриф берилган. Кредит фаолияти деганда кредит муносабатлари қатнашчиларининг манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқариш характериға эға бўлган ҳамда банк хизматлари ва операциялари орқали амалға ошириладиган фаолиятнинг йиғиндисини тушунишимиз мумкин.

Кредит фаолияти кредит ресурсларига эҳтиёжни қондиришға йўналтирилган қайта тақсимлашни амалға ошириш ҳамда кредит фаолиятининг субъектлари учун даромад олиш имконини беради. Кредит фаолияти яратувчилик табиатининг моҳияти олинаётган ёки берилаётган ресурслар орқали ўз манфаатларига эришишдан иборат. У иқтисодий

муносабатларнинг ана шу жиҳатини етакчи ўринлардан бирига чиқаради. Кредит фаолиятининг қатнашчилари шу фаолият натижасида бевосита ёки билвосита даромад кўрадилар.

Кредит фаолияти барча манфаатдор тарафларга реал фойда келтиради. Қарз олувчилар маълум бир муддатга ўзларининг тижорат, ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби манфаатларига етишиш мақсадида йирик пул капиталидан фойдаланиш имконига эга бўладилар. Кредиторлар эса фоиз кўринишида даромад оладилар. Бундан ташқари, кредит фаолияти ишлаб чиқаришга инвестициянинг кириб келишини рағбатлантиради, прогрессив таркибий силжишларга туртки бўлади. Бугунги кунда кредит иқтисодий макродаражада тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бирига айланган. У миллий валюта ва баҳолар барқарорлигини, иқтисодий ўсишни таъминлаш каби бирламчи масалаларни ҳал этишда ёрдам беради. Шундай қилиб, кредит фаолиятини икки субъект - қарз олувчи ва қарз берувчи (кредитор)ларнинг бўлишини тақазо этадиган амалиёт дейиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун доимо қўшимча пул маблағларига эҳтиёж сезадилар. Ана шундай пул маблағларининг манбалари банкларнинг ўз ва жалб қилинган маблағлари бўлиши мумкин. Корхоналар маблағ етишмовчилигидан қийналаётган ҳолларда кредит ресурслари бозорига мурожаат қилишга мажбур бўладилар.

Молиявий ресурсларнинг асосий таъминотчиси бўлиб банк тизими ҳисобланади. На суғурта ва нафақа фондлари, на молиявий инвестицион компаниялар инвестицион фаолиятни юксалтиришда керакли молиявий қудратга эга эмасликлари сабабли, молиявий эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга эмаслар. Бундан ташқари, республикада қийинчилик туғдирадиган омиллардан яна бири - бу қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлигидир.

Ресурсларни қайта тақсимлаш махсус воситачилар – яъни, янги пул яратувчилари бўлмиш банклар орқали амалга оширилишига асосий урғу

берилади. Мижозларнинг ҳисоб рақамларида сақланаётган маблағларни банклар назарий жиҳатдан ўз хоҳишларига кўра ишлатолмайдилар. Бу маблағлар банкка эмас, балки мижозга тегишлидир. Лекин айнан бир объектга турли томонлар эгалик қила олмайдилар, кредитнинг ҳажми назарий жиҳатдан ҳеч қандай чекланиш (чегара)ларга эга эмаслиги сабаби бу пулларнинг соф генерацияси банклардир.

Кредит ёрдамида иқтисодиётнинг тўлов воситаларига бўлган эҳтиёжи таъминланади, пул маблағларини фаол тўлов оборотидан чиқиб қолишига барҳам берилади, иқтисодиётнинг капиталлашув даражаси ошади. Айни вақтда, кредитнинг иқтисодиётга ва у орқали жамият ҳаётига салбий таъсири ҳам мавжуд. Масалан, иқтисодиётга ҳаддан зиёд кўп кредит ажратилса, бу ҳолат инфляциянинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. М.Фридменнинг фикрига кўра, тижорат банклари томонидан иқтисодиётни кредитлашни кескин ошириб юборилиши пуллар таклифини кучайишига ва шунинг асосида баҳоларнинг ўсишига олиб келади.

Кредитнинг миллий валюта курсига таъсири, фикримизча, пуллар таклифи нуқтаи-назаридан кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг сабаби шундаки, муомаладаги пул массасининг 85-90 фоизи тижорат банкларининг кредит эмиссияси орқали шаклланади. Демак, миллий валюта таклифига таъсир қилувчи асосий омил – бу тижорат банкларининг кредит эмиссиясидир. Агар кредит эмиссиясининг миқдори кескин ошса, бу ҳолат миллий валютадаги нетто-активлар таклифининг ошишига олиб келади. Бунинг натижасида миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан белгиланган алмашув курси пасаяди.

Ҳозирги шароитда, бизнинг назаримизда, кредитнинг неокейнсиан назариясининг тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу назария давлатнинг барча иқтисодий жараёнларда фаол иштирокига асосланади, бунда кредит асосий инструментлардан бири ҳисобланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, кредит воситасида пулларни хўжалик айланмасига киритиш ҳар қандай ҳолатда мумкин. Нақд пулсиз ўтказмалар

шароитида Марказий банк ҳам, тижорат банклари ҳам техник жиҳатдан исталган миқдордаги пулни муомалага чиқариши мумкин. Аммо тижорат банкларининг нақд пулни муомалага чиқариш имконияти чекланган. Чунки муомаладаги нақд пул миқдори Марказий банк балансининг пассивидаги мажбуриятлар суммасидан ошмайди ва нақд пулни эмиссия қилиш ваколати фақат Марказий банк зиммасидадир. Марказий банк муомалага чиқарадиган тўлов воситалари унинг балансини актив қисми доирасида амалга оширилади, тижорат банкларининг имконияти эса, уларнинг ликвидлилигига нисбатан белгиланган талаблар билан чегараланади.

Пул маблағларини кредит сифатида беришда, юқорида таъкидлаганимиздек, қуйидаги шартларга риоя қилиниши талаб этилади: муддатлилик; тўловлилик; қайтаришлик; таъминланганлик ва мақсадлилик. Табиийки, мазкур шартларни тўлиқ бажарилиши берилган кредит бўйича рискнинг ошишига йўл қўймайди. Кредитнинг мақсадлилиги унинг мижоз фаолиятининг банкка маълум бўлган ва банк томонидан маъқулланган йўналишга берилишини англатади.

Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини ташкил қилиш, унинг самарадорлигини таъминлаш хусусидаги масалалар тўғрисида тўхталиб, Д.МакНотон ривожланаётган мамлакатларда кредитлаш амалиётини ташкил қилишнинг зарурий шартларидан бири кредитларни гаров таъминоти асосида беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишдир, деган хулосага келди.⁵ Унинг фикрига кўра, гаров сифатида олинадиган мулкнинг сотилиш баҳоси кредит ва унинг фоизини қайтаришга етиши лозим. Бу эса, мулкни доимий равишда қайта баҳолаб туришни тақозо қилади. Бизнинг фикримизча, олимнинг мулкни даврий баҳолаш тўғрисидаги фикри республикамиз амалиёти учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Чунки мулкларнинг жорий баҳосини тез-тез ўзгариш ҳолати мамлакатимизнинг хўжалик амалиётига хос бўлган ҳолат ҳисобланади.

⁵ Д. МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. - ИЭР МБРР. - Вашингтон Д.С., 1993.- С.75

Ҳозирги кунда республикамизда миллий валюта курсининг чет эл валюталарига нисбатан доимий равишда ўсиб бориш тенденциясини ҳамда баҳоларнинг мунтазам ўсишини инобатга олган ҳолда кредит учун гаров сифатида қабул қилинган мол-мулк баҳосини ҳар ой ёки ҳар чорак якунига қайта баҳолашни йўлга қўйиш зарурдир.

Фикримизча, компенсацион қолдиқ халқаро банк амалиётида мижознинг кредит тўлови билан боғлиқ харажатларини камайтириш воситаси сифатида ўзини оқлаган. Уни республикамиз банк амалиётида қўллаш кредит линиясининг мижоз учун қулай кредитлаш шакли сифатидаги аҳамиятини янада оширишга хизмат қилган бўлар эди.

Ҳозирги замон жамиятида банклар кўп сонли ва хилма - хил молиявий хизматлар кўрсатадиган муассасага айланди. Улар орқали иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш операциялари, корхоналарга тегишли мулкларни бошқариш операциялари ва бошқа бир қатор молиявий операциялар амалга оширилмоқда. Бироқ шунга қарамасдан кредит операциялари тижорат банклари учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган операция сифатида сақланиб қолмоқда.

Қисқа муддатли кредитлаш бу кредитлаш объектлари, кредитлаш методлари, яъни кредитлаш тамойиллари бўйича кредит бериш ва қайтариш усулларига асосланган ҳолда кредитнинг капитал айланишида қатнашиши тушунилади.

Банкларнинг қисқа муддатли кредитлашини ташкил қилиш турли мамлакатларда давлатнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланади. Яъни, банклар учун мижоз ва банк талабларини, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, миллий тарихий банк ишларини ҳисобга олиш заруриятини билдиради.

Хорижий ва миллий иқтисодчилар кредитнинг моҳияти ва ролига нисбатан турли хил назарий ёндашувларга эга бўлсалар-да, уларнинг барчаси банкларни қисқа муддатли кредитлашни ташкил қилиш асосини корхонанинг

тўлов айланмаси қонуний эканлиги билан боғлашади⁶. Капитал айланишининг асосий қонуниятлари сифатида унинг узлуксиз таъминланиши тушунилади.

Жаҳон амалиётида тарихан қисқа муддатли кредитлаш тизимининг эволюцияси бир марталик мақсадли кредитларнинг умумий тўлов айланмасини кредитлашга ўтишга асосланган. Кредитларни бериш ва сўндиришнинг аниқ усуллари банкларнинг ташкилий хусусиятлари ва уларни корхоналар билан ўзаро муносабатлари, қонунчилик меъёрлари таъсири остида шаклланди. Бу усуллар Ғарб мамлакатларининг кредитлаш тизимларини бир-биридан фарқ қилувчи қисқа муддатли кредитлаш шаклларида ўз аксини топди. Масалан, АҚШда кредит линиялари, Германияда контокоррент кредитлари, Буюк Британияда овердрафт кредитлаш шакллари кенг қўламда қўлланилади. Амалиётда мазкур шакллар мижозлар тўлов айланмаси узлуксизлигини таъминлаш ва банклар кредитлаш ҳажмини ошириш имконини беради.

Мамлакат банкларининг кредитлаш амалиётида корхоналарда ўз айланма маблағларининг кескин етишмовчилиги қисқа муддатли кредитлашни ривожлантиришнинг долзарблигини белгилайди.

1.2. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш усуллари ва тамойиллари.

Кредит сўзи латинча «creditum» сўзидан олинган бўлиб, ссуда деган маънони англатади. Кредит бериш билан боғлиқ операциялар банкларнинг кредитлаш операциялари бўлиб юзага келади. Кредит операциялари деганда бир қатор тамойиллар асосида, яъни таъминланганлик, қайтаришлилик, муддатлилилик ва тўловлилилик шартлари асосида маълум бир миқдордаги пулни (ёки товарни) қарзга бериш тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, қарздор қарзни белгиланган муддат ичида қайтариб бериши ва

⁶Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. Учеб. пос./под. ред. О.И. Лаврушина. - Москва: КНОРУС 2008, Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: Молия, 2007.

ундан ташқари маълум суммани тўлаши лозим. Бу сумма қарзга олинган маблағлар учун тўлов баҳоси бўлиб, у кредит учун фоиз деб аталади. Одатда, замонавий банк кредитни пул шаклида қарзга беради.

Банк ўз табиати жиҳатидан молия-кредит ташкилоти бўлиб, унинг учун кредит операциялари, банк хизматларининг бир кўриниши ҳисобланиб, у бошқа банк операциялари (валюта, қимматли қоғозлар, қимматликларни сақлаш буйича операциялар ва бошқалар) ичида асосий ўрин эгаллайди.

Банк ўз кредит операциялари учун фақатгина ўзига тегишли бўлган пул маблағларини ишлатмай, балки бундай пул маблағларининг манбаларини шакллантиришдан ҳосил бўлган пул маблағларини ҳам ишлатади. Бунда бошқа тижорат банкларидан (ёки Марказий банкдан) олинган кредит билан бир қаторда, банк шунингдек пул маблағларини ўз омонатчиларидан ва ташкилотлардан турли ҳисоб варақларга жалб этади. Бу ерда маблағлар сақланади ва турли хил ҳисоб-китобларда (ҳисоб-китоб, жорий, жамғарма, талаб қилингунча, муддатли депозит, валюта ва бошқа миқдорларнинг ҳисоб варақлари) қўлланилади. Бундай, пул маблағларни жалб этиш ҳам кредит характериға эға, чунки у ҳам қайтаришлилик, муддатлилик ва тўловлилик шартларига асосланади, банк эса бу ерда қарздор сифатида намоён бўлади.

Банк кредитлари муддатига қараб турлича бўлади. (узоқ ва қисқа); қарздорнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилишиға қараб (давлат, хусусий ва акционерлик жамияти, кооперативлар, уюшмалар, бошқа банклар, кўшма корхоналар, фермерлар, хусусий шахслар ва ҳоказолар); тармоққа қараб, (саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиғи, хизмат кўрсатиш); мақсадига қараб (мавсумий харажатлар учун, тўлов ҳужжатларни тўлаш учун, айланма маблағларни тўлдириш учун ва бошқа асосий активлар билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш) шунингдек, бошқа мезонларға қараб фарқланади.

Банк кредит бериш учун жалб қилинган барча маблағларни ва ўз маблағларини ишлатиши мумкин. Тижорат банклари бу маблағларнинг

бир қисмини мажбурий резервлар сифатида Марказий банкга ўтказиши керак ва, шунингдек, уларнинг бир қисмини юқори ликвид маблағлар шаклида (кассадаги нақд пуллар, миждозларга жорий хизматларни тўлаш учун етарли бўлиши лозим ёки бошқа операциялар қимматли қоғозлар, мол-мулкка эга бўлиш ва бошқалар учун ишлатишида) сақланиши лозим.

Маблағлар қолдиғи банкнинг кредит потенциалини ифодалаб, кредит бериш учунишлатилади. Банк фойда кўриб ишлаши учун ўз кредит потенциалдан самарали фойдаланиши лозим, бу эса замонавий шароитларда жуда қийин масала ҳисобланади. Бозор иқтисодиётида режали иқтисодиётдан фарқли ўлароқ, кредит муносабатларининг марказлаштирилган қатъий меъёрлари бўлмайди.

Бу эса, банк ва қарздор ўзаро муносабатлари шартнома асосида тузилишини аниқлаб, иккала томон ҳам тенг ҳуқуқли ва ўз мақсадларига асосланган ҳолда уларни мужассамлаштириб фаолият кўрсатадилар. Қарздор кредит олиш учун ўзига муносиб банкни танлаши ва бир йўла турли банклар кредитларидан фойдаланиши мумкин. Банк ҳам ўз навбатида, миждозларни танлаш ҳуқуқига эга ва унга кредит беришда ўзларига муҳим ва фойдали деб топган шартларни қўйиши мумкин.

Энди банклар томонидан берилаётган кредитларни турли белгилари ва шаклларига қараб кўриб чиқсак. Жаҳон амалиётида банк кредитларини ягона, умумлашган таснифи йўқ, чунки кредитларни турли хил шакллари ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, унинг урф-одатларига, аҳоли орасида кредитларни бериш ва қайтариш тарихан шаклланган усулларига боғлиқ бўлади. Шундай бўлса ҳам энг кўп учрайдиган банк кредит операцияларини турли хил мезонлар ва ўлчовларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштириш мумкин. Банк кредит операцияларини таснифлаш мезонлари.

1. Банк кредитларини қарз олувчиларнинг гуруҳлари бўйича таснифланиши мумкин: Банк кредитларини олувчилари бўлиб ҳукумат,

бошқа банклар, хўжалик субъектлари, турли молия ташкилотлари, аҳоли ҳисобланади.

2. Кредитлар мақсади ёки қайси соҳага йўналтирилиши бўйича: саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, инвестицион, истеъмол ва бошқа кредитларга бўлинади.

Банк кредитлари ишлатилиши соҳаси бўйича 2 хил бўлиши мумкин: асосий капитални молиялаштириш учун ёки айланма капитални молиялаштириш учун ссудалар берилади. Булар ўз навбатида ишлаб чиқариш ёки муомала(савдо) соҳасига йўналтириладиган кредитларга бўлинади. Инфляция шароитида тижорат банклари амалиётида савдо ва спекулятив (чайқовчилик) операцияларини молиялаштиришга йўналтирилган ссудалар аксарият қисмни ташкил этади.

3. Ҳажми бўйича кредитлар катта(йирик), ўрта ва кичикларга бўлинади. Лекин халқаро амалиётда бу кредитларни белги бўйича ягона ўлчов(мезон)и йўқ. ХВФ, ЕТТБнинг нуқтаи назаридан 10000 АҚШ долларигача бўлган суммадаги кредитлар кичик кредитларга киради.

4. Қайтариш муддати бўйича кредитлар талаб килингунча ва муддатли бўлади. Муддатли кредитлар қисқа, ўрта ва узоқ муддатлиларга бўлинади. Ссудаларни бу мезон бўйича турли мамлакатларда фарқланади. Аксарият банклар асосан қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредит бериш билан шуғулланади.

Таъминланганлик характериға қараб гаровли, кафолатланган, суғурталанган ва ҳоказоларға бўлинади.

Таъминланмаган кредитлар ишончли (бланкали) деб ҳам аталади ва одатда фақат соло-вексел (қарз олувчининг ссудани қайтариш мажбурияти) орқали тақдим этилади. Таъминланмаган кредитлар қарз олувчининг обрўсини ҳисобға олган ҳолда ва унинг даромадлари даражасини баҳолашдан сўнгина берилади. Кредитнинг сифати паст бўлганда ҳам у таъминланмаган кредит деб юритилади ва бунда кредитлар бўйича кредитнинг қайтмаслик rischi юқори бўлади.

5. Берилиш усуллари бўйича кредитлар, қоплаш учун ва тўлов кредитларга бўлинади. Биринчи ҳолатда кредит қарз олувчининг ҳисоб варағига харажатларни қоплаш учун ўтказилади. Бунда яна аванс характеридаги ссуда маблағларини ўтказилиши ҳам назарда тutilади. Иккинчи ҳолатда банк ссудаси бевосита нақд пулсиз ҳисоб-китобларда ҳисоб ҳужжатларини тўлаш учун берилади. Шу билан бирга, бир марталик кредитлар ҳам бўлади, яъни шартномада белгиланган муддат ва суммада тақдим этилади. Бироқ кўпчилик мамлакатларда кредит линиялари кенг қўлланилади.

6. Банк кредитларини қайтарилиш тартиби бўйича 2 гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга бир вақтда қайтариладиган кредитлар, иккинчи гуруҳга бир неча муддатда бўлиб-бўлиб тўланадиган кредитлар киради. Одатда юридик шахслар ва аҳолига жорий эҳтиёжларни қоплаш учун нақд пул маблағлари керак бўлганда бериладиган қисқа муддатли кредитлар, бир вақтда қайтариладиган кредитлар ҳисобланади. Бу ерда асосий қарз ва фоизларни ягона суммада кредит муддати тугаши билан қайтарилади. Бир неча муддатда қайтариладиган кредитлар бу икки ёки ундан ортиқ тўловлар билан амалга ошириладиган ссудалар ҳисобланади. (одатда ҳар ой, ҳар квартал ёки ҳар ярим йилда). Бу гуруҳга турли хил кредитлар: тижорат, очиқ счёт бўйича, вексел, лизинг, факторинг, форфейтинг ва бошқалар киради. Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда бир кеча муддатда қайтариладиган кредитлар юридик ва жисмоний шахсларга товарлар ва кўчмас мулкларни сотиб олиш учун бериладиган ўрта ва узоқ муддатли кредитлашда кенг қўлланилади. Жаҳон молия бозорларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар бир неча муддатларда қайтариш шarti билан берилади.

7. Фоиз ставкаларининг турлари бўйича банк кредитларини 2 гуруҳга бўлиш мумкин: қатъий фоизлардаги кредитлар ва сузувчи фоиз ставкаларидаги кредитлар.

Ссудалар кредитлашнинг бутун муддатига бериладиган ва қайта кўриб чиқилмайдиган қатъий фоиз ставкалари шартларида берилиши мумкин.

Қарз оловчи бу ҳолатда фоиз ставкалари бозорларида конъюктура ўзгаришига қарамасдан кредитдан фойдаланганлиги учун ўзгармас келишилган ставкада фоиз тўлайди. Бу ҳам кредиторга, ҳам қарз оловчига қулай, чунки иккала томон ҳам берилган кредитдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ўз даромад ва харажатларини тўғри ҳисоблаб чиқиш имкониятига эга бўлади. Қатъий фоиз ставкалари одатда қисқа муддатли кредитлашда қўлланилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда кредитларни беришда қатъий ва сузиб юрувчи фоиз ставкаларининг ҳар иккаласи ҳам кенг қўлланилмоқда. Сузиб юрувчи фоиз ставкалари-бу кредит бозорларида вужудга келадиган ҳолатларга боғлиқ бўлган доимий ўзгарадиган фоиз ставкаларидир.

8. Кредит қайси валютада берилишига қараб ҳам гуруҳларга бўлинади. Одатда тижорат банклари кредитларни миллий валютада ёки чет эл валютасида бериши мумкин. Ўзбекистонда миллий валюта ва чет эл валютасидаги кредитлар кўп қўлланилмоқда.

9. Кредитлар сони бўйича кредитлар куйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин:

- ягона банк берадиган кредитлар;
- синдикатлашган кредитлар;
- параллел кредитлар.

Амалиётда бир банк томонидан бериладиган ссудалар кенг тарқалган. Бироқ айрим мамлакатлар ва интеграцион гуруҳлар иқтисодиётнинг ривожланиш имкониятига қараб ягона банк имконияти етмайдиган йирик кредитларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу эса банкларнинг гуруҳларга кўшилиб синдикатлашган кредит беришга ундамоқда.

Синдикатлашган кредит - бу (консорциум) бирлашган 2 ёки ундан ортиқ кредиторлар бир қарздорга кредит тақдим этади. Бир гуруҳ банк-кредиторлар

маълум муддатга бўш турган молиявий ресурсларини маълум бир объект ёки қарздорни кредитлаш мақсадида бирлаштиради. Бир ёки етакчи банк-координаторларнинг катта бўлмаган бир гуруҳи бутун синдикат номидан қарз олувчи билан кредит битими шартлари бўйича музокаралар олиб боради, керакли сумма йиғишини таъминлайди. Амалиётда икки ёки ундан ортиқ банклар қарз олувчига параллел кредитлар бериш ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. Синдикатлашган кредитдан фарқли ўлароқ, бу ҳолатда мижоз билан ҳар бир банк алоҳида иш олиб боради, сўнгра эса умумий кредит шартномасини тузадилар. Шундай қилиб тижорат банкларининг кредитлари қайси белгиларга қараб таснифланмасин, уларни беришдан мақсад мижознинг маблағга бўлган эҳтиёжини қондирган ҳолда банкка юқори даромад келтиришини таъминлашдан иборат.

Кредит соҳасидаги муносабатлар белгиланган маълум тизимига эга бўлади. Банкнинг кредитлаш тизими деганда кредитлаш жараёнини ташкил қилувчи ва уни кредитлаш тамойили бўйича тартибга солинишини белгиловчи элементлар мажмуаси тушунилади. Кредитлаш тизимининг ташкилий элементлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- кредитлаш жараёнида қарз олувчининг ўз маблағларининг қатнашиш тартиби ва даражаси;
- кредитнинг мақсадга йўналтирилганлиги;
- кредитлаш услублари;
- ссуда ҳисобварағларининг шакллари;
- ссуда қарзини тартиблаш усуллари;
- ссуда маблағларини мақсадли ва самарали фойдаланилишини ҳамда ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш тартиби ва шакллари.

Банкнинг илгари ҳукм сурган кредитлаш тизими хўжалик органларининг ўз ва қарз маблағларидан фойдаланиш чегараси қонун билан қатъий чегараланишига асосланган. Замонавий кредитлаш тизими давлат томонидан хўжалик органларининг ўз ва қарз маблағлари ўртасидаги нисбат каби меъёрларни белгиламаслиги билан характерланади. Фаолият

юритишнинг бундай тижорат асослари хўжаликларнинг ўз маблағларини максимал ишлатишга ва қарз маблағлари олдида тўлиқ масъулиятни сезишга мажбурлайди. Шунингдек, қарз маблағлари фақатгина банк кредити сифатида эмас, балки хўжаликлараро пул ва товар шаклида қатнашмоқда. Бундан буён корхоналарга кимдан ва қандай миқдорда қарз олиш ва унинг шартларини шартномада кўрсатиш ҳукуқи берилган. Корхоналарнинг хўжалик оборотидаги ўз маблағлари ҳажмининг олиниши мумкин бўлган кредит ҳажмига ва кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини ҳисоблашдаги мижоз фаолиятининг самарадорлик даражасига таъсир қилади.

Бозор муносабатларига ўтишдаги айланма маблағларини бундай ташкиллаштириш объектни кредитлашдан субъектни кредитлашга ўтишга замин яратди. Бу эса кредитлаш механизмидаги янги ва самарали даврдир. Банкнинг кредитлаш тизимининг асосий элементи бўлиб кредитлаш усуллари ҳисобланади, чунки улар бу тизимнинг бир қатор элементлари: ссуда ҳисобварағи тури кредит мажбуриятини тартибга солиш, қарз маблағларини мақсадли ишлатиш ва уларни ўз вақтида қайтариш тартибини ва шаклини назорат қилиш кабиларни белгилаб беради.

Кредитлаш усуллари деганда кредитлаш тамойилларига мос равишда кредитни бериш ва қайтариш услублари тушунилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари янги тижорат тузилмалари, яъни мулкчиликнинг бошқа турига асосланган субъектларга кредит беришда тижорат банкларининг хориж амалиётига таяниб кредитлашнинг янги усулларида фойдаланмоқдалар. Хорижий банк амалиётида кредитлашнинг икки усули маълум. Биринчи усулнинг аҳамияти ҳар бир кредит индивидуал тартибда кўриб чиқилишидадир. Кредит маълум мақсаддаги маблағ эҳтиёжини қондиришга берилади. Ушбу усул аниқ муддатга кредит ажратишда қўлланилади.

Иккинчи усулда кредит банк томонидан қарз олувчига олдиндан белгилаб қўйилган кредит лимити бўйича берилади, бунда қарз олувчи унга қўйилган тўлов ҳужжатини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Кредитлашнинг ушбу шакли кредит линияси деб аталади. Очилган кредит линияси кредит ҳисобига барча ҳисоб-китоб пул ҳужжатларини банк ва миждоз ўртасидаги шартномага асосан тўлаш 1 йилга очилади, аммо кредит линияси ундан қисқа муддатга ҳам очилиши мумкин. Кредит линияси муддати давомида миждоз банк билан қўшимча келишувни истаган вақтида ссуда олиши мумкин. Аммо банк қарз олувчининг молиявий ҳолатини заифлашганини аниқласа, миждозга белгиланган лимит чегарасида ссуда беришдан бош тортиши мумкин. Кредит линияси, одатда, молиявий барқарор ва эътиборли миждозларга очилади. Миждоз илтимосига биноан кредитлаш лимити қайта қўриб чиқилиши мумкин. Давом эттириладиган ва давом эттирилмайдиган кредит линиялари ўзаро фарқланади. Давом эттирилмайдиган кредит линияси очилиб кредит берилган ва қайтарилгандан кейин миждоз ва банк ўртасидаги алоқалар тугатилади. Давомлаштириладиган кредит линиясида кредит белгиланган лимит асосида автоматик равишда берилади ва қайтарилади. Агар, банк томонидан миждозга кредит линияси маълум товарларга бир шартнома бўйича бир йил ичида пул тўлаш учун очилган бўлса, кредит линияси мақсадли бўлади. Кредитлаш усули кредит беришда ва қайтаришда ишлатиладиган ссуда ҳисобварағини шаклини танлаб беради. Банклар кредитлаш операцияларини амалга ошириш учун ссуда ҳисобварағларини очадилар.

Хўжалик юритишнинг бозор муносабатлари шароитида оддий ссуда ҳисобварағлари кенг тарқалган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан хўжалик субъектларини қисқа муддатли кредитлаш қуйидаги усулларда амалга оширилмоқда:

1. Алоҳида ссуда ҳисобварағи орқали кредитлаш. Тижорат банклари хўжалик субъектларини «кредит линияси очиб» ёки «кредит линияси очмасдан» кредитлаш мумкин ва бу кредитлар қуйидаги мақсадга берилади, товар моддий бойликлар, бажарилган иш ва қўрсатилган хизматларнинг пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш учун, муддати 30 кундан ошмаган даврга,

қарздорнинг асосий фаолияти билан боғлиқ булган аккредитивлар очиш учун.

Кредит банк томонидан келишилган муддатларда қуйидаги тартибда сўндирилиши мумкин:

- сўндирилиш муддати келган мажбуриятлар бўйича маблағларни миқдорнинг ҳисобварағидан ундириб олиш орқали;
- муддатидан олдин қарздорнинг топшириғига кўра ҳисоб рақамдаги бўш қолдиқ маблағларни сўраб олиш орқали;
- гаров мулкани ўзлаштириш орқали.

Хўжалик субъектининг «кредит линияси очиб» кредитлаш алоҳида ҳисобварақ орқали олдиндан келишиб олинган кредит суммаси доирасида амалга оширилади. Кредит линиясининг ҳисобидан қарздорнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган товар-моддий бойликларни бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар бўйича пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўлови амалга оширилади.

Бундан кейин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга, савдо, таъминот ва бошқа хил фаолият билан шуғулланувчи хўжалик субъектларига, кредитлашнинг барча тартиб-қоидалари асосида берилади. Контокоррент счёти очилганда миқдорнинг бошқа счётлари ёпилади.

Контокоррент ҳисобварақлар:

- дебет қолдиғи бўйича миқдор банкка шартномада келишилган ставка бўйича фоизлар тўлайди;
- кредит қолдиғи бўйича банк миқдорга шартномага мувофиқ фоиз тўлайди.

Контокоррент ҳисобварағининг амал қилиш муддати 12 ойдан ошмаслиги лозим. Муддат тугаши билан миқдор кредит сальдосини таъминлаши керак. Акс ҳолда, муддат тугагач уни тўла сўндиргунга қадар кредит бериш тўхтатилади.

Овердрафт, бу контокоррент кредитнинг махсус шакли ҳисобланади. Унинг алоҳида хусусияти шундаки, банк миқозга унинг ҳисобрақамида қисқа давр ичида дебет сальдога эга бўлишга рухсат беради. Одатга кўра овердрафтдан фойдаланиш жуда ишончли миқозларга тақдим этилади. Овердрафтда қарздорликни сўндириш учун овердрафт ҳисоб вараққа келиб тушаётган барча суммалар йўналтирилади, натижада кредитнинг ҳажми келиб тушаётган маблағлар ҳажмига қараб ўзгариши мумкин. Овердрафтда қарздор ҳар ойнинг охирига овердрафт қолдиғи бўйича кредит сальдосини таъминланиши керак. Агар миқознинг шу банкда депозит счёти бўлса, ундаги маблағлар доирасида доимий дебет сальдога эга бўлишга рухсат берилади. Аксинча бўлса, маблағлар бериш у тўла сўндирилгунга қадар тўхтатилади.

Қисқа муддатли кредитлаш муносабатларида ҳам, узоқ муддатли кредитлаш муносабатларида ҳам маълум тамойилларга асосланади. Иқтисодий категория сифатида кредит қуйидаги тамойилларга эга:

1. Кредитнинг қайтарилиши. Бу тамойил кредитнинг умумий белгиси ҳисобланади, лекин у ўз-ўзидан вужудга келмайди. У моддий жараёнларга, қиймат айланишининг тугашига асосланади. Аммо доиравий айланишнинг тугаши – бу қайтариб бериш эмас, қайтариб бериш учун замин тайёрлаш ҳисобланади. қайтариб беришлик объектив белги ҳисобланади ва бу тамойил бошқа иқтисодий категориялардан, шу жумладан молиядан фарқ қилади. Кредитнинг бу тамойили амалиётда кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоиз суммасини кредит берган муассаса ҳисобига кўчириш йўли билан тўланади. Шу йўл билан банклар кредит ресурсларини қайта тикланишини таъминлайди.

2. Кредитнинг муддатлилиги. Бу кредитнинг маълум муддатга берилишини англатиб, кредитлаштириш муддатлилигининг икки томонлама характери инобатга олинганда вақтинчалик фойдаланишга берилган маблағларни тўлик ва белгиланган муддатда қайтарилишини таъминлаш мумкин. Бу муддат қарздор учун хоҳлаган муддатда эмас, балки у

шартномада белгиланган муддат ҳисобланади. Кредитни ўз вақтида қайтарилиши иккала томон учун ҳам муҳим ҳисобланади. Қарз берган томон учун кредитни ўз вақтида фоиз билан қайтарилиши уни яна кредитга бериш имкониятини яратади, қарздорни эса шартномада кўзда тутилган жазо чораларидан қутултиради.

Демак, ҳар иккала субъектлар, яъни қарз оловчи ва кредитор кредитлашнинг муддатлилиқ тамойилига риоя этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг ҳисобига банк кредит ресурсларини айланишини жадаллаштиради, улардан оқилона фойдаланишга эришсалар, хўжаликлар эса ўз даромадларини кўпайтириш, ўз ва қарз маблаларидан фойдаланиш самарасини оширишлари мумкин. Баъзи давлатларнинг кредитлаш амалиётида кредитлар қисқа, ўрта ва узоқ муддатли таснифланади. Ўзбекистонда тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасида кредитларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар қисқа ва узоқ муддатли кредитлар учун ажратилган. Шунга кўра, барча кредитларни берилиш муддатларига кўра икки турга ажратишимиз мумкин:

1. Қисқа муддатли кредитлар – бир йилгача муддатга бериладиган кредитлар.

2. Узоқ муддатли кредитлар – бир йилдан ортиқ муддатга бериладиган кредитлардир. Кредитнинг муддатлилиги келиб тушувчи бойликларни тежамли ва қайта ишлатиш муддатига, ишлаб чиқарилган маҳсулотни жўнатиш муддатига, товарларни сотиш муддатига ва пировард натижада айланма маблағларни доиравий айланишини тезлигига боғлиқдир.

3. Кредитни товар-моддий бойликлар билан таъминланганлиги. Бу тамойилнинг моҳияти шуки, бунда хўжалик айланмасида иштирок етувчи банк маблағларининг бир сўмига муайян бойликларнинг ҳар бир суми қарама-қарши туриши керак. Берилган кредитлар товар-моддий бойликлари ва маълум ҳаражатлар билан таъминланган бўлиши керак. Таъминланмаган кредитларнинг берилиши кредитларни банкга қайтиб келмаслигига асос

ҳисобланади. Бунинг учун ҳозирги шароитда қарз оловчилар банкга товар ёки товар ҳужжатларини, мулкни гаровга қўяди.

4. Тўловлилик. Бу тамойилга асосан корхоналар фойдаланилган қарз маблағларини ҳисобланган фоизи билан тўлиқ ўтказадилар. Кредит учун ҳақ тўлашнинг иқтисодий моҳияти қарз берувчи ва қарз оловчи ўртасидаги қўшимча олинган фойданинг тақсимланишини қайд қилишда намоён бўлади. Ҳозирги шароитда ссуда фоизи миқдори шартномада ўз аксини топади ва у кредитлашнинг ўртача нормаси ва банк маржасидан ташкил топади.

5. Кредитнинг мақсадлилиги. Бу шу билан боғлиқки, қарз оловчи олинган кредитни маълум мақсадга (товар моддий бойликлар сотиб олиш, ишлаб чиқариш харажатларини коплаш ва бошқалар) ёъналтирилган бўлиши зарур. Бу мақсадлар кредит берувчи ва кредит оловчи ўртасида тузилган шартномада ўз аксини топади. Корхона олган кредитни фақатгина кредит шартномасида кўрсатилган ишни бажаришга (сотиб олишга ва бошқалар) сарфлаши керак.

6. Кредитнинг самарадорлиги. Бу тамойил нафақат кредит ва фоиз суммасини банкга қайтариб тўлашни, балки шу кредит ёрдамида кредитланадиган ёки молиялаштириладиган соҳа, тармоқ, корхона канча самарадорликка еришишини ифодалаши зарур. Шунинг учун ҳар бир лойиҳа кредит ҳисобига бажариладиган бошқа тадбирлар самара берадиган бўлсагина уларга маблағ ажаратилиши лозим.

Шундай қилиб, кредит – бу иқтисодий категория бўлиб, вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум муддатга, ҳақ тўлаш шarti билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир. Кредитнинг биз юқорида кўриб чиққан объекти, субъектлари, тамойиллари ва усуллари мавжуд.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИ

2.1. Ўзбекистонда тижорат банклари кредит қўйилмаларининг таркиби ва динамикаси

Банк мижоздан кредит олиш учун ариза қабул қилгач кредит пакетини шакллантириш ва уни таҳлил қилишга киришади. Бу жараён қуйидаги босқичда амалга оширилади:

- кредит олиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва келгусидаги қарз олувчи билан мулоқотда бўлиш;

- кредит нархини аниқлаш;

- кредит шартномасини тайёрлаш.

Кредит олиш учун қарз олувчи ўзининг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини қуйидаги мазмунда таҳлил қилиши лозим:

- ўз маҳсулотини сотиш бозори, унга талаб ва таклифни ўрганиш;

- кредит олиш учун асос бўлувчи товар-моддий бойликларни етказиб бериш, ишлаб чиқариш харажатлари ва товарларни сотиш бўйича шартномалар билан таъминланганлиги;

- кредитланадиган тадбирнинг самарадорлиги;

- қарз олувчи ҳисоб варағига пул маблағларининг келиб тушиш даврийлиги;

- кредитни ва унга тегишли фоизларни тўлаш манбалари;

- кредит учун тўланиши мумкин бўлган фоиз ҳисоб-китоби ва унинг даврийлиги;

- олдинги давр (йил, чорак, ой) даги молиявий хўжалик фаолиятининг респектив таҳлили;

- жорий давр учун бизнес-режа.

Хўжалик субъекти кредит олиш учун таҳлилий ва хомчўт маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, кредит олиш учун илтимосномасини тузади. Кредит олиш учун аризада кредит олиш зарурияти, унинг самарадорлиги, қайтарилиши, тўловлиги ва таъминланиши,

шунингдек, ўз капитали таркиби ва унинг кредитланаётган тадбирдаги иштироки батафсил баён қилинади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. Пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа;
2. Охирги ҳисобот даври учун бухгалтерлик баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва тўлов муддати 60 кундан ошган қарзларни қиёслаш далолатномалари талқини билан бирга;
3. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;
4. Айланма маблағларини айланиши ҳисоб-китоби;
5. Бошқа кредитлар, қарз маблағлари мавжудлиги ва бошқа банкларда сақланадиган бўш маблағларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома;
6. Капитали билан иштирок этганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Кредит ходими ёки кредит пакетини ўрганувчи шахс юқорида қайд этилган ҳужжатларни олгач, уч кунлик муддатда қуйидагиларни аниқлайди:

- субъектларнинг кредитга ва тўловга қобилияти, унинг рейтинг баҳосини, шунингдек, кредит мақсадларининг устав фаолиятига мувофиқлиги, кредитнинг турини аниқлайди, бунда у мажбурий тартибда ликвидлилик, қоплаш, мухторият, қарз маблағларини жалб қилиш, фойда ва айланма маблағлари айланиши коэффицентларини ўрганиб чиқиши лозим.

Кредит пакетини таҳлил қилишда нафақат кредит битимларинининг турли соҳаларига, балки раҳбарнинг шахсий сифатларига ҳам баҳо берилади. Тақдим этилган ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиққач, банк ходими кредит битимини тузиш учун хулосани расмийлаштиради. Бунда қуйидагилар кўрсатилади:

- кредитнинг мақсади, муддати ва миқдори;
- кредит қайтарилишининг таъминланиши;
- фоиз миқдори ва бошқалар.

Банк ходимининг хулосаси раҳбар томонидан имзоланган ва ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кредит қўмитасига кўриб чиқиш учун юборилади. Қўмита ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда уч кун мобайнида

тегишли қарор қабул қилади. Мазкур хулоса кредит қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади. Шундан сўнг кредит шартномаси тузилади ёки кредит битимини тузиш ва ссуда беришдан бош тортиш сабаблари кўрсатилган ҳолда қарз олувчига ёзма равишда рад жавоби берилади. Кредит қўмитасининг ижобий хулосаси келтирилган ҳолда банк билан мижоз ўртасида кредит шартномаси тузилади. Кредит шартномасига банк раҳбари ва қарз олувчи имзо қўйганидан сўнг у юридик кучга эга бўлади. Кредит шартномасида қуйидагилар кўзда тутилади:

- кредитнинг мақсади ва суммаси;
- уни бериш тартиби ҳамда тўлаш тартиби ва шакли;
- мажбуриятларни таъминлаш шакллари, фоиз ставкалари, уларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш шакли;
- кредит бериш ва уни тўлаш вақтида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- кредит бериш учун зарур бўлган маълумотлар, ҳисоб-китоб ва ҳужжатларнинг рўйхати ҳамда уларнинг даврийлиги;
- банк томонидан жойида ҳисобюритиш, кредитнинг қайтарилиши-ни таъминлаш юзасидан текширувлар ўтказиш имконияти ва бошқа масалалар.

Кредит ходими кредит шартномаси тузилганидан сўнг кредитни тўлаш муддати ва фоиз ставкаларини кўрсатган ҳолда ссуда ҳисоб варағини очиш тўғрисида қарор қабул қилгач, қарз олувчига кредит варақчаси очилиб, унга асосан кредит юзасидан назорат амалга оширилади. Банк кредитидан фойдаланилган вақт учун ҳақ тўлаш кредит нархини ташкил этади, у ҳисобот ойи бошлангунга қадар банк бўйича юзага келадиган ўртача фоиз ставкаси ва маржани ўз ичига олади. Амалда қайта молиялаш ставкаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддасига мувофиқ Марказий банк томонидан мустақил равишда белгиланади. Ҳозирги кунда қайта молиялаштириш фоиз ставкаси йилига 10 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредит қўйилмаларининг ўсиши қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредитлар ўсиши эвазига ўзгаради. Шу сабабли тижорат банклари томонидан берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикаси тижорат банклари активларининг таркибида кредитларнинг салмоғини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

1 –жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг таркиби ва унда кредитнинг ўрни, йил охирига,⁷

(фоиз ҳисобида)						
Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й	2012 й	2013 й
Кассали активлар	25,3	19,9	20,5	20,9	19,2	17,6
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	0,8	0,8	1,2	0,7	0,4	0,6
Кредитлар	56,9	60,8	58,6	58,8	56,9	60,9
Асосий воситалар	5,5	3,3	3,5	3,1	2,6	2,5
Бошқа активлар	11,5	15,2	16,2	16,5	20,9	18,4
Жами активлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Жадвал маълумотларидан кўринадик, 2008–2013 йиллар мобайнида республикаимиз тижорат банклари активларининг таркибида кредитлар салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди. Бу эса, халқаро банк амалиётида кредитларнинг салмоғи бўйича мавжуд бўлган тенденцияга мос келади. Кредитларнинг жами банк активлари ҳажмидаги салмоғи 60,9 фоизни ташкил этмоқда. Халқаро банк амалиётида қабул қилинган андозаларга мувофиқ, кредитлар тижорат банклари активларининг таркибида камида 60 фоизни ташкил этади. 2013 йилда кредитларнинг жами активлардаги салмоғи 2009 йилга нисбатан 4,0 фоизли пунктга ошди. Ушбу ўсиш бошқа активлар салмоғининг пасайиши билан изоҳланади.


Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикаимиз тижорат банклари активларининг таркибида кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги

⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

салмоғи ҳам юқори бўлган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки кассали активлар даромад келтирмайдиган активлар ҳисобланади.

Тижорат банкларида кассали активларнинг йирик миқдорда тўпланиши кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг паст бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, муддати ўтган кредитларнинг балансдан чиқарилиши ҳам кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини камайтиради. Чунки кредит балансдан чиқарилганда очилган ссуда ҳисобрақаи кредитланади, фоизли даромадлар ёки таксимланмаган фойда ҳисобрақаи дебетланади. Республикамиз банк амалиётида тижорат банки Бошқаруви ва банк Кенгаши келишган ҳолада муддати ўтган кредитларни банкнинг балансдан чиқаришлари мумкин.

Тижорат банкларининг жами активлари ҳажмида банк томонидан берилган кредитлар салмоғи ўсиб бориб, бугунги кунда бу кўрсаткич 60.5%ни ташкил этмоқда. Қуйидаги расмда тижорат банклари кредит қўйилмаларининг 2014 йилнинг 1-январь ҳолатига бўлган маълумотларини кўриб чиқамиз.



1 -расм Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари.⁸

1-расм маълумотларидан кўриб турганимиздек, тижорат банкларининг кредит қўйилмалари умумий ҳажми 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига

⁸w.w.w. cbu.uz. сайти маълумотлари

нисбатан 30 фоизга ошиб, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 26,5 трлн. сўмни ташкил этди.

Кредитлаш амалиётининг тижорат банклари фаолиятида тутган ўрнини баҳолашда кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги салмоғини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси⁹

(млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2012	2013	2013 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши, %
ЯИМ трлн.сўм	48,0	61,8	77,8	96,6	119,00	248,0
Кредит қўйилмалари умумий суммаси, трлн.сўм	8,6	11,5	15,6	20,4	26,5	308,1
ЯИМ га нисбатан %	17,8	18,6	20,0	21,1	22,3	4,5 ф.п.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2009-2013 йиллар мобайнида кредит қўйилмалари мутлақ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. 2009 йилда бу кўрсаткич 17,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 22,3 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредит қўйилмаларининг ўсиши қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредитлар ўсиши эвазига ўзгаришини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредитларнинг муддатига кўра (қисқа ва узоқ муддатли) мавжуд ҳолатини таҳлил қиламиз.

3-жадвал

⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

**Тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган
кредитлар динамикаси, йил охирига.¹⁰**

(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2008й	2009й	2010й	2011	2012	2013	2013 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши,%
р	.	.	.	й	й	й	
Кредитлар, жами:	100	100	100	100	100	100	х
қисқа муддатли	19	18	18	18	18,8	21,9	2,9 ф.п.
узоқ муддатли	81	82	82	82	81,2	78,1	-2,9 ф.п.

Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, жами кредитла хажмида қисқа муддатли кредитларнинг улуши таҳлил қилинаётган давр ичида 18-21%ни ташкил этади. 2009-2012 йиллар давомида қисқа муддатли кредитларнинг улуши 18% атрофида бўлган бўлса, 2013 йил якуни бўйича бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан ошиб 21.9 %га етган. Узоқ муддатли кредитларнинг улуши эса 2.9пунктга камайган.

Муддати ўтган кредитлар муаммосининг мавжуд бўлмаса бу банк фаолияти учун ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин Ўзбекистон Республикасида муддати ўтган кредитлар муаммоси мавжуд бўлиб, у узоқ муддатли кредитларга тегишлидир. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикаимиз тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида муддати ўтган кредитларнинг салмоғи 1,93 фоизни ташкил қилди¹¹.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикаимиз тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларни банклар кесими бўйича кўриб чиқамиз. Хусусан, мамлакатимиздаги энг йирик 5 та тижорат банклари, яъни Микрокредитбанк, Ипотекабанк, Асака банк, Халқ банки ва

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

¹¹ “Ahbor-Reyting” агентлиги маълумотлари. 2014 йил февраль.

Агробанк томонидан ажратилган қисқа муддатли кредитлар динамикасини таҳлил қиламиз.

4-жадвал

Тижорат банклари томонида иқтисодиётга ажратилган қисқа муддатли кредитлар динамикаси¹²

(млн. сўмда)

Банклар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012й.	2013 й	2013 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши, %
Халқбанк	35571,1	32414,7	42124,8	57378,9	79883,2	126251,0	354,9
Агробанк	27219,1	39404,2	50197	81192,5	141069,4	185228,2	680,5
Микрокредитбанк	5086,4	7013,9	7182,9	6709,5	10406,1	25654,3	504,3
Ипотекабанк	37120,9	32530	33135,6	28424,9	25322	35724,4	-96,2
Асакабанк	12675,2	15722,6	14732,5	23513,1	19511	50448,1	390,0

Жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамиз тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг миқдори 2008-2013 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, қисқа муддатли кредитларнинг хўжалик юритувчи субъектлар айланма маблағларини тўлдиришдаги аҳамиятини ошиб бораётганлигидан далолат беради. Ўз навбатида, айланма маблағларни тўлдириш имкониятини ошириш корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Микрокредитбанк, Ипотекабанк ва Асака банкининг қисқа муддатли кредитлаш амалиётидаги мавқеи юқориликча қолмоқда. 2013 йилнинг 31 декабр ҳолатига берилган қисқа муддатли кредитларнинг 47,8 фоизи мазкур уч банкнинг ҳиссасига тўғри келди. Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ОАТБ “Агробанк” томонидан

¹² Тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

берилган қисқа муддатли кредитларининг 2008-2013 йиллар бўйича тармоқ хусусиятини таҳлил қилиб чиқамиз.

5-жадвал

ОАТБ “Агробанк” қисқа муддатли кредитларининг тармоқ хусусияти, йил охирига.¹³

(фоиз ҳисобида)

№	Тармоқлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
1	Саноат	29,9	37,9	38,9	29,1	23,3	18,2
2	Қишлоқ хўжалиги	24,1	22,1	25,0	31,7	33,8	38,0
3	Моддий-техника таъминоти	16,4	17,0	16,4	18,7	24,5	20,3
4	Савдо	8,0	8,8	8,2	8,0	5,1	4,8
5	Курилиш	1,4	0,9	1,5	1,2	2,2	3,3
6	Транспорт	0,5	0,4	0,3	0,5	0,2	0,3
7	Бошқа тармоқлар	19,7	12,9	9,7	10,8	10,9	15,1
	Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

ОАТБ “Агробанк” қисқа муддатли кредитларининг тармоқ хусусиятини таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкинки, жами қисқа муддатли кредит қўйилмаларининг 1/3 қисми, яъни 38.0%и қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитлардир. Бу ҳолат ОАТБ “Агробанк” барча банклар каби универсал банк бўлсада, унинг кўпроқ аграр соҳага ихтисослашуви билан белгиланади. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашуви моддий-техника таъминоти корхоналарининг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

2013 йилда саноат корхоналарига берилган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғи 2012 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайди. Ушбу ҳолат қишлоқ хўжалигига берилган кредитлар салмоғининг мазкур давр мобайнида 13,9 фоизли пунктга ўсганлиги билан изоҳланади.

Кредитларнинг аксарият қисми бир - бири билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларга жойлаштирилган. “Агробанк” томонидан бериладиган кредитлар қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи “Қишлоқхўжаликкимё” ХАЖлари,

¹³ ОАТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

«Ўзпахтасаноат», «Ўзагромашсервис», «Ўзбек ипаги» уюшмаларига ажратилган.

Бизга маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга бўлиб, об-ҳавони ёмон келиши оқибатида мўлжалланган ҳосил етиштирилмаслиги мумкин. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш режаларини бажара олмайдилар. Бу эса, ўз навбатида, ушбу корхоналар томонидан олинган банк кредитларининг қайтмаслик эҳтимолини кучайтиради.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона хом-ашё етказиб берувчи корхонага боғланиб қолмаслиги керак. Агар хом-ашё етказиб берувчи корхоналар кам бўлса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонанинг иши секинлашади ва хом-ашё монопол нархда сотиб олинади, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи қимматга тушиб кетади ва натижада баҳоларнинг ошиши сабабли маҳсулотга талаб камаяди. Бу ҳам корхоналар олган кредитларини қайтарилмаслик рискинни оширади.

Тижорат банклари кредит сиёсатидаги мавжуд қатор камчиликлар, жумладан, кредит портфелини тармоқлар бўйича тақсимлашда кредит лимитларини ўрнатишдаги камчиликлар кредит рискларини ошишига олиб келади. Таҳлил қилинган амалий маълумотлар кредитлаш жараёнида тармоқ лимитларини ўрнатиш жараёнини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Банklar тармоқ лимитини аниқлаш масаласига турлича ёндошадилар. Лекин уларнинг амалиётда қўллаётган лимитлари, умумий мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Тармоқ лимитлари.
2. Битта мижозни кредитлаш лимитлари.

Тижорат банклари ўзларининг кредит портфели сифатини яхшилаш мақсадида мижозларни кредитлашнинг нафақат индивидуал рискларини, балки рискларнинг бир қатор умумий категорияларини ҳам таҳлил қилишлари шарт. Шунинг учун ҳам алоҳида мижозларнинг кредитлаш лимитлари билан бир каторда, кредит рискига учраш даражаси бир хил

бўлган мижозлар гуруҳи учун кредитлаш лимитлари ўрнатилади. Бу лимитлар битта тармоққа мансуб корхоналарга банкни боғлиқ бўлиб қолмаслигининг олдини олиш мақсадида ўрнатилади. Амалиётдан маълумки, айрим тармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси маълум бир вақт оралиғида юқорилигича қолади, айтилиши вақтда, бошқа тармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси анча паст бўлади. Банк амалиётида бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги, Авиация саноати корхоналарининг рентабеллик даражаси паст. Бундай тармоқ корхоналарида банк кредитларининг юқори даражада тўпланиши банкларга сезиларли зарар келтириши мумкин.

Тармоқ лимитларини белгилашда таҳлил қилинаётган тармоқнинг жорий ҳолатини, ривожланиш истиқболларини, технологик ўзгаришларининг барқарорлик даражасини, тармоқда асосий харажат турларининг ўзгариши каби ҳолатларни баҳолаш зарур.

Тармоқ рискларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишда банклар ссудаларини беришда юзага келадиган, юқорида таъкидланган рискларга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш зарур. Бундай таҳлил натижасида ушбу омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш учун тегишли тизим қабул қилинади.

Халқаро банк амалиётида бундай тизим сифатида балларни ҳисоблаш тизимидан кенг фойдаланилади. Таъсир қилувчи омилларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш асосида тармоқ учун рискнинг умумий рейтинги аниқланади. Тармоқ рискининг лимитини белгиланган ссуда суммасига нисбатан мутлақ суммада ёки маълум фоизда белгилаб қўйиш лозим. Масалан, банк риск лимитини қишлоқ хўжалигига нисбатан белгиланган кредитларнинг 10 фоизи миқдорида белгилаб қўйиш мумкин.

Республикамиз банк амалиётида шунга ўхшаш тизимнинг йўқлиги иқтисодиёт тармоқлари бўйича мутлақ суммада ёки фоизда лимитлар ўрнатилмаслигига олиб келган.

Тармоқ рискени аниқлагандан сўнг банк тармоқ лимитлари асосида кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Банкнинг битта миждозга нисбатан кредитлаш лимитини аниқлашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиши шарт деб ҳисоблаймиз:

- миждоз корхона раҳбарининг репутацияси;
- миждознинг активлари ва пассивларининг таркиби;
- миждознинг молиявий барқарорлиги;
- миждоз корхонанинг ривожланиш истикболлари;
- банкнинг миждоз билан ўзаро муносабатлари;
- миллий иқтисодиётнинг умумий жорий ҳолати;
- Марказий банкнинг тижорат банкларини кредитлаш амалиётига нисбатан қўйган директив талаблари.

Тижорат банклари битта миждозга нисбатан белгиланадиган кредитлаш лимитларини миждозга кўрсатиладиган хизмат турига боғлиқ равишда белгилашлари ҳам мумкин. Чунки, улар битта миждознинг ўзига бир неча турдаги банк хизматларини кўрсатади. Бунда кредитлаш лимитларини ҳар бир кредит тури бўйича белгилаш мумкин ёки бу лимитларни битта умумий лимит сифатида белгилаш ҳам мумкин. Ҳар бир кредит тури бўйича алоҳида лимит ўрнатилганда лимитларни турли амалиёт бўлинмалари ўртасида қайта тақсимлаш тизими жорий этилади. Бундай тизим банкка айрим амалиёт бўлинмалари кредитлаш лимитларини ишлатиб бўлган тақдирда ҳам кредит амалиётларини давом эттириш имконини беради. Лекин бўлинмалар бўйича лимитнинг умумий миқдори танланмаган. Айтайлик, кредит бўлинмаси ўзининг лимитини тўлиқ ишлатиб бўлди, лекин ҳужжатлаштирилган операциялар бўлими ўзининг лимитини тўлиқ ҳажмда ишлата олмади, дейлик. Бундай ҳолатда лимитнинг қолган қисми ҳисобидан миждозга бериладиган кредит миқдори кўпайтирилиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, кредитни қайтарилмаслик рисқи доимо мавжуддир, фақат бу рискни камайтириш мумкин. Рискни камайтириш жараёнида барча зарур жараёнларни аниқ бажариш талаб этилади.

Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг самарадорлигига таъсир килувчи асосий омиллардан яна бири кредитларнинг тури ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамиз банк амалиётида кредитлар турларига кўра икки йирик гуруҳга бўлинади:

- қисқа муддатли кредитлар (бир йилгача муддатга);
- узоқ муддатли кредитлар (бир йилдан ортиқ муддатга).

Республикамиз банк амалиётида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сонли «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» номли йўриқномасига асосан ўрта муддатли кредитлар тоифаси бекор қилинди¹⁴.

Ўрта муддатли кредитлар тоифасини бекор қилинишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро банк амалиётида кредитларнинг асосан қисқа ва узоқ муддатли турлари тан олинади;

2. Республикамиз банк тизимида ўрта муддатли кредитларнинг сезиларли қисми бир неча марта пролонгация қилиниши натижасида узоқ муддатли кредитларга айланди ва натижада уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда ва таҳлил қилишда қийинчиликлар, чалкашликлар юзага келди.

3. Айрим тижорат банкларида қисқа муддатли кредитларни муддатида қайтарилмаслиги, пролонгация қилиниши натижасида уларнинг муддатини бир йилдан ошиб кетиши, яъни ўрта муддатли кредитларга айланиши юз берди.

Меъёрий ҳужжатларга асосан Ўзбекистонда 1 йилгача муддатга берилган кредитлар қисқа муддатли, 12 ой ва ундан ортиқ муддатга берилган кредитлар узоқ муддатли деб белгиланади.

Аксарият мамлакатларда, жумладан, Ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида кредитлар муддатида кўра уч турга: қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитларга бўлинади. Бунда қисқа муддатли кредитлар жумласига

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. -279 б.

бир йил муддатгача бериладиган кредитлар, ўрта муддатли кредитларга бир йилдан беш йилгача ва узоқ муддатли кредитларга беш йилдан ортиқ муддатга бериладиган кредитлар киритилади.

Тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг узоқ муддатли кредитларга нисбатан қиёсий таҳлилини амалга ошириш қисқа муддатли кредитлаш амалиётининг таҳлилини бойитишга хизмат қилади. Бунинг боиси шундаки, қисқа муддатли кредитлар узоқ муддатли кредитлардан кредитлаш объекти бўйича кескин фарқ қилади. Бундан ташқари, кредитларнинг муддати бўйича фарқланиши кредитлаш шакллариغا ҳам ўз таъсирини ўтказади.

6-жадвал

АТ “Агробанк” кредитларининг муддати бўйича таркиби ва динамикаси, йил охирига.¹⁵

(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2013 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши, %
Кредитлар, жами:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х
• қисқа муддатли	31	28,3	34,6	38	42	35,5	4,5
• узоқ муддатли	69	71,2	65,4	62	58	64,5	-4,5

Жадвал маълумотларидан кўринадики, ОАТБ “Агробанк”да 2012-2013 йилларда қисқа муддатли кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясини кузатиш мумкин.

Ушбу тенденциянинг вужудга келиши 2012-2013 йилларда узоқ муддатли кредитлар салмоғининг пасайиш суръатларига эга бўлганлиги туфайли содир бўлмоқда. Биринчидан, қисқа муддатли кредитлар тез айланиш хусусиятига эга, иккинчидан, республикаимиз тижорат банклари депозитларининг аксарият қисмини қисқа муддатли депозитлар ташкил қилади.

¹⁵ ОАТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Тижорат банклари кредит портфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири – муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари таркибидаги салмоғини ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган мўътадил даражаси 3 фоизни ташкил қилиб, энг юқори чегаравий даражаси эса, 5 фоиздан ошмаслиги лозим. Агар ушбу кўрсаткичнинг даражаси 3 фоиздан ошса, бу ҳолат банкнинг кредит портфели сифат даражасини ёмонлаша бошлаганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, кредитлардан олинadиган фоизли даромадларнинг камайишига олиб келишини англатади. Ш.Абдуллаева муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ошиши – кредит rischi даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири дея ҳисоблайди. Кредитлар бўйича шаклланган захиралар кредит riskларининг амортизатори вазифасини бажарса-да, банкнинг тўлов қобилиятига тўғридан-тўғри хавф солади. Кредитларнинг юқори riskлилиқ даражаси банкнинг ўз маблағлари маълум қисми йўқотилишига олиб келиши мумкин¹⁶.

Фикримизча, муддати ўтган кредитлар ва кредит riskига қарши ҳосил қилинган захиралар тўғрисидаги мазкур фикр республикамиз банк амалиётидаги реал воқеликни ўзида мужассам эттирган.

Муддати ўтган ссудаларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш соф кредитлар кўрсаткичидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бизга маълумки, соф кредитлар деганда «брутто» кредитларнинг захира ажратмалари суммасига камайтирилган қисми тушунилади. Соф кредитлар ҳақиқатда ҳаракатда бўлган, яъни фоиз келтираётган кредитларнинг миқдорини кўрсатади. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори эса, ишламаётган, яъни ҳаракатда бўлмаган кредитлар миқдорини билдиради.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик даражаси юқори бўлиб, 2014 йил 1 январь

¹⁶ Абдуллаева Ш.З. Банк riskлари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002. -Б. 137-138.

ҳолатига кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг умумий ҳажми ЯИМга нисбатан 2,7 фоизга тенг бўлди, банк активларига нисбатан эса 7,9 фоизга тенг бўлди.¹⁷ Бундай ҳолат эса, банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга, яъни банкнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга, банк кредит ресурсларининг айланишига салбий таъсир кўрсатади.

7-жадвал

Тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари, йил бошига.¹⁸

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2013 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши
Кредит қуйилмалари ҳажми, млн. сўм.	8558,2	11539,3	15652,0	20400	26530	5,0
Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг ўртача йиллик даражаси, %	14	14	12	12	10	-4 ф.п.
Қисқа муддатли сўмдаги кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси, %	16,4	15,9	13,8	13,2	13,0	-2,8 ф.п.
Узоқ муддатли сўмдаги кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси, %	16,8	15,9	13,0	11,8	11,6	4,6 ф.п.
Сўмдаги муддатли депозитлар бўйича мажбурий захира ставкалари, %	12,5	12,5	12,5	12,5	12,5	83,3

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2010-2013 йилларда банклар томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси 13,3 фоиз даражасида бўлган. Фоиз ставкалари юқори бўлишининг

¹⁷ Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари ҳисобот маълумотлари масосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

сабабларидан бири – Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси 14,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб 10,0 фоизни ташкил қилди. Банклар томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг фоиз ставкаларини 2010 йилдан бошлаб 2014 йилга қадар кескин пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

1. Марказий банкни қайта молиялаш ставкасининг 2010-2013 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги (Марказий банкни қайта молиялаш ставкаси 2010 йилда 14,0 %, 2012 йилда 12,0 %, 2014 йилларда 10,0 %ни ташкил қилди);

2. Инфляция даражасининг пасайиш суръатларига эга бўлганлиги. Ўзбекистон Республикасида 2010 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 7,6 %га тенг бўлган бўлса, 2013 йилда эса 6,8 %ни ташкил қилди.

Қисқа муддатли кредитларнинг фоиз ставкалари пасайиш тенденциясига эга эканлиги, уларга бўлан талабнинг доимий равишда ошиб боришига сабаб бўлади. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг қисқа муддатли банк кредитига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш имконияти юзага келади. Шундай қилиб, хулоса ўрнида айтиш жоизки:

биринчидан, республикамиз тижорат банкларининг кредитлари миқдор жиҳатдан 2010-2013 йилларда юқори ўсиш суръатига эга бўлган бўлсада, кредитларнинг активлар ва ЯИМга нисбатан салмоғини пастлигича қолмоқда;

иккинчидан, 2008-2013 йилларда Агробанк кредитларининг жами активлардаги салмоғининг ошганлиги унинг кредитлаш салоҳиятининг ошиб бораётганлидан далолат беради;

учинчидан, республикамизнинг йирик тижорат банкларида тармоқ лимитларининг мавжуд эмаслиги кредит портфели диверсификация даражасининг паст бўлишига олиб келмоқда.

2.2. Қисқа муддатли кредитлаш жараёнида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётининг таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг, жумладан, банклар фаолиятининг тижоратлашуви объектив ҳолат ҳисобланади. Сўнгги йилларда турли хил мулкчилик шаклларига асосланган субъектлар ташкил топмокда. Бу субъектлар қандай мулк шаклига асосланган бўлишига қарамадан иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ мустақил бўлиб, ўз харажатларини ўзи қоплашлари шарт. Бозор шароитида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган хўжалик субъектларида қўшимча пул маблағларига эҳтиёж юзага келиши муқаррар бўлиб, ушбу эҳтиёж асосан банк кредитлари ҳисобидан қопланади. Шу сабабли бозор иқтисодиёти шароитида кредитлаш амалиётининг ўрни тобора муҳим аҳамият касб этади.

Банклар томонидан мижозларга қисқа муддатли кредитлар бериш жараёнини самарали ташкил қилишда мижозни кредит тўловига лаёқатлилигининг таҳлили ва уни баҳолаш муҳим ўрин тутди. Берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтиб келишини ҳоҳлайдиган ҳар қандай банк, биринчи навбатда, мижознинг кредит аризаси ва унинг кредит тарихини мукамал ўрганиб чиқиши лозим. Бу жараён банк рискинни олдини олишнинг илк босқичи ҳисобланади.

Кредит тўловига лаёқатлилик, кредит беришда эътиборга олинadиган асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки тижорат банкининг ўз фаолияти натижаси учун жавобгарлиги ҳар қандай усуллар орқали кредит рискинни камайтиришни талаб этади. Кредит учун фоиз банкнинг асосий даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

Корхонанинг кредит тўловига лаёқатлилиги тижорат банкига кредит бериш мумкинлиги, кредитнинг миқдори ҳамда фоиз ставкаси даражасини белгилаш имконини беради. Бундан ташқари, кредит тўловига лаёқатлиликни аниқлаш ссудани ўз вақтида қайтариш эҳтимолини ва натижада банк рискинни камайтириш имконини беради.

Кредит тўловига лаёқатлилик жиҳатидан ижобий кўрсаткичларга эга

бўлган корхоналар ҳеч қандай тўсиқларсиз кредит олишлари ва кредит ҳисобидан товар-моддий бойликларни сотиб олишлари, салмоқли маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтиришлари мумкин. Кредит тўловига лаёқатлилиқ бўйича салбий кўрсаткичга эга бўлган субъектлар банкдан кредит ола олмасда, ўз молиявий аҳволини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмини, ўз маблағлари миқдорини, рентабеллилиқ кўрсаткичларини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш лозимлиги тўғрисидаги ахборотга эга бўладилар.

Корхона ва банклар учун кредит тўловига лаёқатлилиқ кўрсаткичларининг аҳамияти муҳимлигини ҳисобга олиб, биз, кредит тўловига лаёқатлилиқ кўрсаткичларининг иқтисодий моҳиятини ойдинлаштиришни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Кўпгина муаллифлар томонидан иқтисодий адабиётларда кредитга лаёқатлилиқ тушунчаси кенг ёритилган бўлсада, ҳозирги давргача улар ўртасида яқдиллик, ягона бир фикр мавжуд эмас. Кредит тўловига лаёқатлилиқ – бу банк томонидан миқдорга кредит ажратиш мумкинлиги ва унинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан миқдорнинг кредит ва унинг фоизларини келажакда ўз вақтида қайтара олиш имкониятидир.

Шу билан бирга банк миқдорининг кредит тўловига лаёқатлилиги унинг ўз вақтида қарз мажбуриятлари билан ҳисоб-китоб қила олиш қобилиятидир. Умуман, биз кредитлаш жараёнида миқдорларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда айрим ҳолатларда кредит тўловига лаёқатлилиги деган тушунча ишлатилади, баъзи ҳолатларда эса кредитга лаёқатлилиқ тушунчаси ишлатилади. Шу кредитни қайтара олиш қобилиятини ўрганишни биз оддий қилиб миқдорнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш деб бир хиллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз, фикримизча, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги ва миқдорнинг кредит тўловига лаёқатлилиги деган тушунча бир хил тушунча.

Шундай қилиб, оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, амалиётда кредитга лаёқатлилиқ – бу миқдорнинг банкдан олган кредитлари, яъни миқдори фақатгина банк олдидаги қарзларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлай олиш

имкониятини ифода қилади.

Кредит тўловига лаёқатлилик кўрсаткичларини икки томонлама кўриб чиқиш мумкин:

– қарз олувчи нуктаи назаридан, кредит тўловига лаёқатлилик даражаси кредит шартномасини тузиш имконияти, олинган кредитларни ўз вақтида қайтара олиш қобилияти билан баҳоланади;

– банк нуктаи назаридан, корхонага берилиши лозим бўлган кредитнинг хажмини тўғри аниқлай олиш масъулияти сифатида кўриб чиқиш лозим.

Айрим иқтисодчилар қарз олувчининг кредит тўловига лаёқатлилик ҳолатини баҳолашда биринчи ўринга корхонанинг даромад олиш имкониятини қўйишади. Даромад олиш бу корхонанинг ишлаб чиқариши ёки бошқа фаолият турининг натижаси ҳисобланиб, фикримизча, шу натижага эришиш мақсадигина корхонани кредит олишга ундайди.

Агар қарзларни тўлаш нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак кредит тўловига лаёқатлиликка нисбатан тўловга лаёқатлилик тушунчаси кенгрокдир. Чунки тўловга лаёқатлиликка жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг барча қарз мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олиш имкониятини ифодалайди.

Кредит тўловига лаёқатлилик эса тўловга лаёқатлиликдан фарқли ўлароқ, фақатгина ссуда бўйича қарз ва фоизларни ўз вақтида тўлаш имкониятини ифодалайди. Ундан ташқари кредит тўловига лаёқатлилик тўловга лаёқатлиликдан тўлаш манбалари билан ҳам фарқ қилади.

Маълумки мижозга қисқа муддатли кредит беришда ҳам таъминотга алоҳида эътибор қаратилади. Банк кредитини тўлаш бўйича муаммолар юзага келганда, уни тўлашнинг қуйидаги манбаларидан фойдаланилади:

- ссуда бўйича гаров сифатида олинган мулк;
- давлат кафолатлари;
- банк ва бошқа компанияларнинг кафолатлари;
- учинчи шахс кафиллиги;

– суғурта полислари ва бошқалар.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, кредитлаш талабларига тўғри риоя қилган ҳолда кредит берган банк, корхона тўлов қобилятини қисман йўқотган ҳолда ҳам берган кредитни, тўлиқ бўлмасада қайтиб олиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Ўзининг барча ижобий аҳамиятларига қарамадан бу кўрсаткичлар баъзи ҳолларда чегараланган аҳамиятга эга бўлиши ҳам мумкин.

Биринчидан, кўпгина кўрсаткичлар, шу жумладан молиявий аҳволни, капиталнинг етарлилиги ва бошқаларни ҳарактерловчи кўрсаткичлар, асосан ўтмиш билан боғлиқ бўлиб, улар ўтган давр кўрсаткичлари асосида ҳисобланади. Мижознинг келажакдаги кредит тўловига лаёқатлилигини режалаштириш эса келажакда ссудаларни қайтарилиш имкониятларига баҳо беради. Иккинчидан, одатда бундай кўрсаткичлар ҳисобот муддатига қолган қолдиқ асосида ҳисобланади, ваҳоланки, маълум даврдаги оборотлар ҳақидаги маълумотлар ссудаларни қайтариш имкониятларини тўлароқ тасвирлайди.

Жаҳон банклари амалиётида мижознинг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлашда турли хил баҳолаш тизимларидан фойдаланилади. Масалан, АҚШда потенциал қарз олувчининг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлаш учун ва ўз навбатида кредит рискинни минималлаштириш учун 5 “С”лар қондаси номли усулдан фойдаланилади. Бу усул асосида мижоз фаолиятини баҳолашнинг қуйидаги мезонлари ётади:

- Customer character – мижознинг репутацияси.
- Capacity to pay – тўлов қобиляти.
- Capital – капитал.
- Collateral – ссуданинг таъминланганлиги.
- Current business conditions and goocnill – иқтисодий конъюнктура ва унинг истиқболлари.

Бу усул бўйича мижознинг обрўси, масъулият даражаси, қарзни тўлашга бўлган истаги ва тайёргарлиги текширилади. Даставвал банк мижознинг

ўтмишда ўз мажбуриятларига қандай муносабатда бўлганлиги, кредитланувчи субъектнинг мамлакат иқтисодиётида, бозорда қандай мавқеига эга эканлигини текширади. Бунда банк қарздор билан суҳбат олиб боради, архивдан мижоз тўғрисида материалларни олиб, таҳлил қилади, бошқа фирма ва банклар билан маслаҳатлашади ва ҳ.к.

Қарздорнинг тўлов қобилияти унинг молиявий имкониятлари, кредитни тўлаш қобилияти, қарздорнинг фойда ва зарарлари ҳамда келажақда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни пухта таҳлил қилиш орқали аниқланади. Унда банк қарзни тўлаш бўйича мижоз маблағларининг уч асосий манбасини чуқур ўрганиб чиқади. Булар:

- жорий касса тушумлари (cash flow);
- активларни сотиш;
- молиялаштиришнинг бошқа манбалари (жумладан, пул бозоридаги қарзлар).

5“С” қоидадан фойдаланишда фирмаларнинг акционер капитали ва унинг тузилиши, актив ва пасивларнинг бошқа моддаларига бўлган нисбати, қарзнинг таъминланишига, унинг етарлилик даражаси, сифати ва қарзни тўламаслик ҳолида гаровни сотиш даражаси каби қўшимча кўрсаткичлар ҳам банкнинг эътиборидан четда қолмайди.

Кредитга бўлган талабнома қараб чиқилишида умумий шарт-шароитлар, жумладан; давлатдаги ишбилармонлик иқлимини аниқловчи ва банк билан биргаликда қарздорнинг ҳолатига таъсир этувчи омиллар, иқтисодий ҳолат аҳволи, монанд товар бўйича бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатнинг мавжудлиги, солиқлар, хом-ашё баҳолари ва ҳ.к.лар ҳам эътиборга олинади.

Ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида, жумладан, АҚШ банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда таниқли иқтисодчи олим Э.Рид томонидан ишлаб чиқилган молиявий кўрсаткичлар усули ҳам кенг кўламда қўлланилади.

Молиявий кўрсаткичлар усули ўз ичига қуйидаги тўрт гуруҳни олади:

- ликвидлилик кўрсаткичлари;
- айланиш кўрсаткичлари;
- маблағларни жалб қилиш кўрсаткичлари;
- фойдалилик кўрсаткичлари

Мазкур кўрсаткичлардан тўлиқ фойдаланиш келгусидаги тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини, мижознинг ликвидлигини, айланма маблағларининг реал айланишини прогноз қилиш имконини беради. Шунингдек, ушбу усул компанияларнинг умумий молиявий ҳолати ва барқарорлигини баҳолаш имконини ҳам беради. Ушбу молиявий кўрсаткичлар усули қатъий ставкадаги тўловларни қоплашни таъминлашга етадиган фойда суммасини аниқлаш имконини бериши билан ҳам банклар учун жуда зарурдир. Айни вақтда, мазкур усулнинг айрим камчиликлари мавжуд бўлиб, фикримизча, улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

- бозор барқарорлиги кўрсаткичларини ҳисобга олишнинг иложи йўқлиги;
- мижознинг узоқ муддатли даврий оралиқларда тўловга қобиллиги заиф тарзда ҳисобга олинган.

Ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда Э.Риднинг методикаси билан бир вақтда Ж.Шим, Ж.Сигел, Б.Нидлз, Г.Андерсон, Д.Колдвел каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган молиявий кўрсаткичлардан ҳам кенг фойдаланилади. Мазкур кўрсаткичлар қуйидаги кўрсаткичларни:

- ликвидлиликни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- фойдалиликни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- узоқ муддатли тўловга қобилликни тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бозор мезонларига асосланган кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Ушбу молиявий кўрсаткичлар усулининг Э.Рид томонидан ишлаб чиқилган молиявий кўрсаткичлар усулидан фарқ қилувчи афзал жиҳати, бизнинг назаримизда, бозор мезонларига асосланган кўрсаткичларнинг

мавжудлигидадир. Бозор мезонларига эса, қуйидагиларни киритиш мумкин: акциялар баҳоларининг даромадларга нисбати; дивидендларнинг миқдори ва бозор риси.

Бозор мезонларига асосланган кўрсаткичлар ёрдамида акцияларнинг жорий биржа курсини даромадларга бўлиш йўли билан битта акцияга тўғри келадиган даромад миқдори, акция эгаларининг жорий фойдаси, корхоналар акциялари баҳоларининг ўзгарувчанлиги аниқланади.

Россия Федерациясининг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда кўплаб молиявий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади¹⁹.

Мазкур молиявий кўрсаткичлар тизими ўз ичига беш гуруҳга мансуб бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичларни олади. Биз бу тизимнинг айрим кўрсаткичларини мамлакатимиз банк амалиётига ҳам тадбиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Жумладан:

Ликвидлилик кўрсаткичлари.

Жорий ликвидлилик кўрсаткичи жорий активларни жорий пассивларга нисбати билан аниқланади. Буни формула кўринишида кўрамиз.

$$\text{ЖЛК} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий пассивлар}}$$

Бу ерда:

ЖЛК – жорий ликвидлилик кўрсаткичи коэффиценти

Ушбу кўрсаткичнинг норматив даражаси Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра 1,25-2,0 ни ташкил этади. Унинг минимал даражаси 1,0 дан паст бўлмаслиги керак. Агар мижознинг қарз мажбуриятлари суммаси унинг жорий активларининг суммасидан катта бўлса, бу мижоз кредит тўловига қобилиятсиз ҳисобланади.

¹⁹ Лаврушин О.И. Банковское дело. 2-ое изд. - Москва: Кнорус, 2008.

$$\text{ТЛК} = \frac{\text{Ликвидли активлар}}{\text{Жорий пассивлар}}$$

Бу ерда:

ТЛК – тезкор ликвидлилик коэффиценти

Ушбу кўрсаткичнинг даражасини баҳолаш учун унинг миқдори шу тармоқнинг ўртача тезкорлик коэффиценти билан таққосланади. Агар корхонанинг ТЛК даражаси ўртача тармоқ кўрсаткичига тенг ёки ундан юқори бўлса, бу ҳолат ижобий баҳоланади.

Айланиш коэффицентлари

$$\text{ЗАК} = \frac{\text{Захираларнинг ўртача қолдиғи}}{\text{Бир кунлик сотишдан олинган тушум}}$$

Бу ерда:

ЗАК – захираларнинг айланиш коэффиценти

Ушбу айланиш коэффиценти кунларда ўлчанади ва айланишнинг кунларда олинган тезлигини билдиради.

$$\text{ЗАК} = \frac{\text{Бир кунлик сотишдан олинган тушум}}{\text{Захираларнинг ўртача қолдиғи}}$$

Ушбу айланиш кўрсаткичи таҳлил қилинган даврдаги айланишлар сонини билдиради.

$$\text{ДҚАК} = \frac{\text{Дебитор қарздарликнинг ўртача қолдиғи}}{\text{Бир кунлик сотишдан олинган тушум}}$$

Бу ерда:

ДҚАК–дебитор қарздоликнинг айланиш коэффиценти.

Бу кўрсаткич кунларда ҳисобга олинади.

$$\text{АКАК} = \frac{\text{Маҳсулотларни сотишдан олинган тушум}}{\text{Асосий капитални ўртача қолдиқ қиймати}}$$

Бу ерда: АКАК–асосий капитални айланиш коэффиценти

$$\text{ААК} = \frac{\text{Маҳсулотларни сотишдан олинган тушум}}{\text{Асосий капитални ўртача қолдиқ қиймати}}$$

Бу ерда: АКК – активларни айланиш коэффиценти

Молиявий левераж кўрсаткичлари

$$\text{МЛК} = \frac{\text{Қарз мажбуриятларининг жами суммаси}}{\text{Брутто активлар суммаси}}$$

Бу ерда:

МЛК – молиявий левераж коэффиценти.

$$\text{МЛК} = \frac{\text{Қарз мажбуриятларининг жами суммаси}}{\text{Мижознинг ўз капитали}}$$

Ушбу кўрсаткичининг норматив даражаси Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра 0,25–0,60 ни ташкил этади.

$$\text{МЛК} = \frac{\text{Қарз мажбуриятларининг жами суммаси}}{\text{Мижознинг акционерлик капитали}}$$

Ушбу кўрсаткичнинг норматив даражаси Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра 0,66–2,00 ни ташкил этади.

Фойдалилик кўрсаткичлари

$$\text{ФМК} = \frac{\text{Ялпи фойда}}{\text{Маҳсулотларни сотишдан олинган тушум}}$$

Бу ерда:

ФМК – фойданинг меъёрий кўрсаткичи

$$\text{ФМК} = \frac{\text{Соф операцион фойда}}{\text{Маҳсулотларни сотишдан олинган тушум}}$$

$$\text{ФМК} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Маҳсулотларни сотишдан олинган тушум}}$$

Қарзни тўлаш кўрсаткичи

ФҚК	$\frac{\text{Таҳлил қилинган давр мобайнида олинган фойда}}{\text{Давр мобайнидаги фоиз тўловлари}}$
-----	--

Бу ерда:

ФҚК – фоизларни қоплаш кўрсаткичи

Ушбу кўрсаткичнинг норматив даражаси Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра 02,0 – 7,0ни ташкил этади.

ФТҚК	$\frac{\text{Таҳлил қилинган давр мобайнида олинган фойда}}{\text{Фоизлар} + \text{Лизинг тўловлари} + \text{Дивидентлар} + \text{Бошқа белгиланган ставкадаги тўловлар}}$
------	--

Бу ерда:

ФТҚК – фоизли тўловларни қоплаш кўрсаткичи

Агар фоизлар ва лизинг тўловлари маҳсулот таннархига киритилса, дивидентлар ва бошқа белгиланган ставкадаги тўловлар эса, фойда ҳисобидан тўланса ва молиявий фаолиятнинг натижаси сифатида баланс фойда олинса, у ҳолда ФТҚКнинг суръатида қуйидаги кўрсаткичлар бўлади:

Баланс фойда + Фоизли тўловлар + Лизинг тўловлари

Ривожланган давлатларнинг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда молиявий кўрсаткичлар усулидан ташқари пул оқимини баҳолаш усулидан ҳам кенг қўламда фойдаланилмоқда.

Мижознинг пул оқимини баҳолашда икки хил усулдан фойдаланилади:

- бевосита усул;
- билвосита усул.

Бевосита усулда мижознинг пул оқими миқдори мижоз фаолияти йўналиши бўйича кирим ва чиқимнинг жорий санадаги ҳолатини таққослаш йўли билан аниқланади.

Билвосита усулда эса, дастлабки бўғин фойда ҳисобланади. Шунинг учун олинган фойдани пул маблағлари миқдорининг ўзгариши билан боғлаш имконияти юзага келади. Бевосита усулда эса, дастлабки бўғин тушум

хисобланади ва олинган фойдани пул маблағлари миқдорининг ўзгариши билан боғлаш имконияти юзага келмайди.

Халқаро банк амалиётида умумий пул оқими кўрсаткичи орқали миқдор пул оқимининг ҳолати баҳоланади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$\text{Умумий пул оқими кўрсаткичи} = \frac{\text{Пул оқимининг умумий суммаси}}{\text{Қарз мажбуриятлари}}$$

Умумий пул оқими кўрсаткичига кўра миқдорнинг кредит тўловига лаёқатлилиги қуйидаги шкала орқали баҳоланади:

Пул оқимининг мажбуриятларга нисбати бўйича кредит тўловига лаёқатлилиги қуйидагича баҳоланади: 1-синф (0,75); 2-синф (0,30); 3-синф (0,25); 4-синф (0,20); 5-синф (0,20); 6-синф (0,15).

Умумий пул оқими кўрсаткичининг 0,30 дан 0,75 гача бўлган даражасига эга бўлган миқдорлар банк кредитларидан фойдаланиш учун эркин шароитга эга. 0,25 дан бошлаб миқдорнинг кредит тўловига лаёқатлилиги даражаси пасаяди.

Миқдорнинг пул оқимини таҳлил қилиш корхонани бошқаришнинг заиф жиҳатлари хусусида хулосалар қилиш имконини беради. Миқдорга узоқ муддатли кредит бериш учун унинг пул оқимига доир камида уч йиллик маълумотларни ҳамда пул оқимининг прогноз кўрсаткичларини таҳлил қилиш талаб этилади.

Миқдорнинг пул оқимини таҳлил қилиш янги кредитлар бериш чегарасини аниқлаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида миқдорларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда асосан молиявий кўрсаткичлар усулидан ва миқдорнинг пул оқимини баҳолаш усулидан кенг фойдаланилади ва ушбу усуллар миқдорнинг кредит тўловига лаёқатлилиги тўғрисида аниқ ва ишончли хулосаларни шакллантириш имконини беради.

Бизга маълумки, республикамиз банк амалиётида кредитларни муддатида қайтмаслигининг асосий сабабларидан бири банклардаги мижозларнинг тўловга қобиллигини таҳлил қилиш тизимини ривожланмаганлигидир.

Тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар таъминланганлигига кўра икки йирик гуруҳга бўлинади: таъминланган ва таъминланмаган кредитлар. Таъминланмаган кредитлар тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган мижозларга берилади.

Мижозни кредит аризасини баҳолаш – бу мижознинг кредит тўловига лаёқатлилигини ва унинг ўз молиявий мажбуриятларини бажариш эҳтимолини таҳлил қилишдир.

Мижознинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш мураккаб жараён бўлиб, у кредит бўлими ходимлари томонидан йирик аналитик ишни амалга оширишни талаб қилади.

Кредитни бериш жараёнида ва берилган кредитни назорат қилиш жараёнида корхонанинг бухгалтерия ҳисоботини доимий асосда таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун банклар бутун кредитлаш даври мобайнида бухгалтерия ҳисобини доимий асосида такдим этишни мижозлардан талаб қилишлари зарур. Афсуски, республикамиз банк амалиётида кредит берилгандан сўнг мижознинг бухгалтерия балансидаги ўзгаришларни доимий равишда таҳлил қилмаслик ҳоллари мавжуддир.

Корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири – бу унинг кредит юзасидан тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш қобилиятидир.

Биз қуйида корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқ мисолларда баҳолаймиз.

Баланс маълумотлари таҳлили кўрсатдики, “А” корхона ўзининг соф айланма капиталига эга эмас. Буни биз қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$\begin{array}{l} \text{Соф айланма} \\ \text{капитал} \end{array} = \text{ЖА} - \text{ҚММ}$$

Бу ерда:

ЖА – жорий активлар

ҚММ – қисқа муддатли мажбуриятлар.

Жорий активлар ўз ичига захира ва харажатларни ҳамда тез пулга айланадиган активларни олади. Агар таққослайдиган бўлсак, мазкур корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлари унинг жорий активларига нисбатан 350 минг сўмга кўп (6190-2950-2890).

Шу сабабли, “А” корхонани ноликвид деб ҳисоблашимиз мумкин.

Шуниси характерлики, айрим корхоналарда товарларнинг сотилмай қолган захиралари суммасини маълум даврий оралиқларда сезиларли даражада кўпайиши юз беради. Бунинг натижасида қоплаш кўрсаткичининг даражаси ошади. Агар бундай ҳолатда тижорат банкининг ходими миқдорнинг молиявий ва мулкӣ ҳолатини баҳолашда етарли билим ва малакага эга бўлмаса, у ҳолда ноликвид захиралар ҳисобидан қоплаш кўрсаткичининг даражасини оширилганини баҳолай олмайди. Бунинг оқибатида ҳақиқатда кредитга лаёқатсиз бўлган корхонага кредит берилади.

Энди биз иккинчи бир корхонанинг баланс ҳисоботини таҳлил қиламиз. Бу корхонани ҳам тижорат сири нуқтаи-назаридан ўз номи билан атамасдан, “Б” корхона деб оламиз.

Таҳлил шуни кўрсатадики, “Б” корхонаси 950 минг сўм миқдорида соф айланма капиталга эга (2080-1130). Лекин ушбу корхонанинг ликвидлилик даражасини ҳисоблаб чиқишимиз керак. Корхонанинг ликвидлигини баҳолашда унинг тўла қоплаш кўрсаткичини (ТҚК) ҳисоблаш зарур.

Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун корхонанинг жорий активлари суммаси унинг қисқа муддатли мажбуриятларига бўлинади:

$$\text{ТҚК} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}} = 1$$

Тўла қоплаш кўрсаткичи 1 дан кам бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда корхона кредит тўловига лаёқатсиз ҳисобланади.

Ушбу кўрсаткич ликвидлиликни умумий тарзда баҳолайди. Унда қисқа муддатли мажбуриятларни ликвидли активлар билан қопланиш даражаси баҳоланади. Назарий томондан қараганда, ликвидли активлар мажбуриятлардан 2–2,5 баробар кўп бўлиши керак.

$$\text{ТҚК} = \frac{1500 + 580}{1130} = 1,84$$

“Б” корхонасида тўла қоплаш кўрсаткичининг амалдаги даражаси 1,84 фоизни ташкил этди. Бу эса, ижобий ҳолат сифатида баҳоланади. Агар бу кўрсаткичнинг даражаси бирдан кичик бўлса, у ҳолда, корхона қисқа муддатли мажбуриятларини жорий активлари ҳисобидан бажариш қобилиятини йўқотган ҳисобланади. Амалиётда 3:1 нисбат ҳам учраб туради. Буни биз жуда юқори ликвидлилик кўрсаткичи деб ҳисобга оламиз, лекин бу нарсa жорий активлардан самарасиз фойдаланилаётганлик оқибати бўлиши ҳам мумкин.

Шу нарсани таъкидлаб ўтишимиз керакки, ликвидлиликнинг жуда пастлиги ёки жуда юқорилиги, корхонани молиявий бошқариш тизимида сезиларли камчиликларнинг мавжудлигини кўрсатади. Корхонанинг ликвидлилик даражасини янада аниқроқ баҳолаш мақсадида унинг ликвидлилик коэффицентини ҳисоблаб чиқишимиз керак. Ликвидлилик кўрсаткичини ҳисоблаш икки хил усулда амалга оширилади.

Биринчи усулда аниқланадиган ликвидлилик мутлақ ликвидлилик кўрсаткичи (МЛК) дейилади ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{МЛК} = (\text{ПМ} + \text{ҚММҚ}) / \text{ҚММ}$$

Бу ерда:

ПМ—пул маблағлари;

ҚММҚ—қисқа муддатли молиявий қўйилмалар;

ҚММ—қисқа муддатли мажбуриятлар.

Ушбу кўрсаткичнинг минимал даражаси 0,25 ни ташкил этиши лозим.

Жорий мажбуриятларни муддатида бажарилишини янада умумийроқ кўриниши умумий ликвидлилик кўрсаткичи (УЛК) орқали аниқланади:

$$\text{УЛК} = (\text{ЖА}-\text{ЗХ}) / \text{ҚММ}$$

Бу ерда:

ЖА—жорий активлар;

ЗХ—захира ва харажатлар;

ҚММ—қисқа муддатли мажбуриятлар.

Умумий ликвидлилик кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, қарздорнинг кредит тўловига лаёқатлилиги шунча юқори бўлади.

Ушбу кўрсаткич 0,5 дан кам бўлмаслиги лозим, аммо айрим адабиётларда бу кўрсаткичнинг оқилона даражаси сифатида 0,7–0,8 олинган.

“Б” корхонасида умумий ликвидлилик кўрсаткичи 1,32 ни ташкил этди.

Бундан ташқари, корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда мухторлик кўрсаткичидан ҳам республикаимиз банкларининг амалиётида кенг қўлланилмоқда.

Мухторлик кўрсаткичи (МК) қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{МК} = \text{КЎМ} \times 100\% / \text{БПҚ}$$

Бу ерда:

КЎМ—корхонанинг ўз маблағлари;

БПҚ—балансининг пассив қисми.

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Агар бу кўрсаткич 60 фоиздан юқори бўлса, кредит rischi минимал даражада деб ҳисобланади.

Биз таҳлил қилаётган «Б» корхонасида:

$$\text{МК} = \frac{5750 \times 100\%}{6880} = 83,5 \%$$

Юқорида кўриб чиққан кўрсаткичларимиз республикаимиз банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда кенг қўлланилаётган кўрсаткичлардир. Уларга таянган ҳолда мижознинг кредит қобиляти қайси синфга тегишлилигини билиш мумкин.

Мижознинг кредит тўловига лаёқатлилиқ синфлари²⁰

	Номи	1 синф	2 синф	3 синф
1.	Тўла қоплаш кўрсаткичи	2 гача	2 дан 1 гача	1 дан 0,5 гача
2.	Ликвидлилиқ кўрсаткичи	1,5 гача	1,5 дан 1 гача	1 гача
3.	Мухторлиқ кўрсаткичи	60 % гача	60 % дан 30% гача	30 % гача

“Б” корхонанинг кредит тўловига лаёқатлилигини ушбу кўрсатилган кўрсаткичларга солиштириб кўрадиган бўлсак, у ҳолда, бу корхона иккинчи синфга тегишли эканлиги маълум бўлади. Лекин “Б” корхонага кредит беришда нималар талаб қилиниши мумкин.

Биринчи синфга тегишли бўлган миқдорлар учун имтиёзли кредитлар берилиши мумкин. Уларга берилаётган кредит учун қўшимча таъминотлар талаб қилинмасдан, балки ишончли кредит берилиши керак бўлади.

Иккинчи синфга тегишли бўлган миқдорлар учун умумий шароитларни ҳисобга олган ҳолда имтиёзли кредитлар берилиши мумкин, фақат ишончли кредитлардан ташқари. Агар бу миқдор иккинчи синфга тегишли бўла туриб, лекин иш фаолиятида салбий нуқсонларга эга бўлса, у ҳолда бундай миқдорлар билан шартнома тузишда қўшимча чора-тадбирлар қўлланиши керак. Мисол учун, улар устидан назоратни кучайтириш, кредитни қайтарилиши учун қўшимча гаров ёки кафолат хати талаб қилиш, фоиз ставкасини кўтариш, берилаётган кредит миқдорини камайитириш каби ҳолатларни ҳисобга олиш зарур.

Учинчи синфга тегишли бўлган миқдорлар кредит қобилиятига эга эмас, деб ҳисобланади, уларга фақатгина юқори ташкилотнинг кафолат хатини ҳисобга олган ҳолда ёки фоиз ставкасини юқори белгилаб, мол – мулкни гаровга олиб кредит бериш мумкин. Ажратилган кредитлар мол-мулкни гаровга олиш асосида берилган кредит шартномаси тўғри тузилиб, ҳеч қандай нуқсонларга эга эмас, кредит берилган фоиз ставкаси имтиёзли қилиб белгиланганлиги аниқланди.

²⁰ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари. -Т.: ТМИ. 2002й

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРAT БАНКЛАРИНИНГ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кредитлаш операциялари амалга оширилар экан, албатта кредит ташкилотларининг кредитлаш операцияларидан маълум миқдорда зарар кўриши амалиётда кузатилмоқда. Кредитларда кутилаётган зарарларни қоплаш учун гаров алоҳида аҳамият касб этади. Жахон иктисодиётида давом этаётган инкироз ҳолатлари шароитида нафакат банк миждозларини, балки ушбу соҳани кредитлайдиган кредит институтларини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи тобора долбзарблик касб этмоқда. Бунда кредит олувчи миждозларнинг банклар ва бошқа кредит ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини мақбуллаштириш алоҳида ўрин тутди.

Бу борада “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги диққатга сазовордир. Гаров реестри кредиторларнинг гаров таъминотиға ҳуқуқи тўғрисида ягона очик тизим сифатида кредитлаш шартномаси тарафлари ва бошқа манфатдор шахслар учун гаровға қўйилган мол мулк ҳақида ахборотнинг ишончли манбаиға айланиши мумкин. Ишларнинг ҳозирги ҳолатида кредит муносабатларининг тарафлари амалда мол-мулкни қайта-қайта гаровға қўйиб, унинг қийматини кўп қарра ошириш ҳолларидан ҳимояланган эмаслар. Кредиторларда бу ҳақда ахборотнинг ва ундиришға қаратилганда уларнинг гаровдвги мол-мулкнинг доир ҳуқуқларини қондириш кетма-кетлигини белгилаш имкониётининг йуқлиги эса кредит ҳатарларини оширади. Бу эса ўз навбатида, кредит бериш муддатларини ва шартларида акс этмасдан қолмайди.

Гаров реестрининг ўзи эса интернетда фойдаланиш имкониёти билан бирға ҳамма фойдалани оладиган маълумотларнинг электирон баъзасидир. Унда мол-мулк барча турларига гаров мажбуриятлари солиниши тўғрисидаги ахборот мавжуд. Маълумотларнинг ушбу базасини ихтисослашган ташкилот олиб боради, унинг зиммасига ахборот йиғиш ва жойлаштириш вазифаси

юкланади. Реестрдан ҳар бир афторлаштирилган фойдаланувчи фойдаланиши мумкин. Интернет орқали гаров реестири сайтига кириш, унда автолаштирилган фойдаланувчи сифатида руйхатдан утиш ва гаров реестиридан фойдаланиш шартномасини тузиш мумкин.

Тижорат банки ўзи хизмат кўрсатаётган мижозлар фаолияти тўғрисида доимий ахборотга эга бўлиши, унинг кредит қобилятини, тўлов интизоми аҳволини таҳлил қилиб бориши, яъни «маълумотлар банки»ни барпо этиши лозим. Кредитлаш жараёнида кредит шартномаси шартларини бажаришга қарз оловчи олинган кредитдан самарали фойдаланишига, уни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришига, кредитдан фойдаланиладиган бутун давр мобайнида қарз оловчи билан яқин алоқа сақлаб туришга қаратилиши лозим. Шу мақсадда мижознинг хўжалик молиявий ҳолати, унинг тузилган шартномаларга номувофиқ маҳсулот етказиб бериши борасидаги ўз мажбуриятларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини қандай бажараётгани, йўл қўяётган беҳуда харажатлар ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, олаётган фойдаси, ўз айланма маблағлари кўпайиши динамикаси, товар-моддий бойликлар захиралари ҳамда айланма маблағлари айланишини аҳволи таҳлил қилиб турилади.

Банк ҳар чоракда мижознинг кредит қобилятини ҳисоблаб чиқиб қарз оловчи бўйича тутилган махсус йиғма - жилдда бу маълумотларни тўплаб боради. Жойнинг ўзида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ишларининг аҳволи, баланс маълумотларининг тўғрилиги ва дебиторлик-кредиторлик қарзларининг ҳолати, шунингдек, банкка берилган гаров ҳолати текшириб турилади. Қарз оловчининг молиявий аҳволи ёмонлашган, у банк назоратидан бўйин товлаган, ҳисобот маълумотлари нотўғри олиб борилган, бухгалтерия ҳисоби ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳоллари аниқланганда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, банк бундан буён кредит беришни тўхтатишга ҳамда илгари берилган кредитларни таъминот сифатида қабул қилинган ва кредит шартномаси шартларида кўзда тутилган мажбуриятлар орқали қарз оловчининг ўз

маблағлари ҳисобидан муддатидан олдин ундириб олишга ҳақли.

Гаров тўғрисидаги шартнома бўйича, банк гаровга қўйилган мулкни мустақил равишда сотиши мумкин. Гаров предмети аукцион орқали сотилади. Айни пайтда, қарз оловчи банкка гаровга қўйилган мулк олдиндан маълум паст нархларда сотилиши учун жавобгарлик тўғрисида талаб қўйишга ҳақли. Агар аукцион бўлиб ўтмагани эълон қилинса, банк

гаровга қўйилган мулкни дастлабки нархда ўз ихтиёрида қолдиришга ҳақли. Бунда, банкқонунга мувофиқ унинг талаблари олдида устунликка

эга бўладиган даволарни қолдиришга мажбур. Бундай ҳолларда банк мажбурияти шу мулкнинг аукцион учун дастлаб белгиланган нархи суммасидан ошмаслиги зарур. Гаров предмети сотишдан олдин сумма кредитини қоплаш учун етарли бўлмаган ҳолларда, банк, агар шартномада бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса, етишмаётган суммани қарздорнинг бошқа мулки ҳисобидан қонунда кўзда тутилган навбатдаги тартибда олиш ҳуқуқига эга. Гаров предмети сотишдан тушган сумма қайтарилмаган

кредит ҳажмидан ортиқ бўлса, банк ўртадаги бу тафовутни бир ой ичида қарз оловчига тўлаши шарт. Агар қарз оловчи тўлов муддати келгандан сўнг 90 кун ичида кредит шартномасига мувофиқ қарзни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажармаса банк «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, тўловга лаёқатсизлик тўғрисида иш қўзғаш учун хўжалик судига мурожаат қилиш керак.

Тижорат банклари амалдаги Низомга мувофиқ кредит портфели сифатини мунтазам равишда таҳлил қилиб боришлари, ҳар бир кредит билан боғлиқ риск даражасини таснифлашлари ҳамда уни қуйидаги 5 та тасниф разрядидан бирига киритишлари лозим:

- а) яхши
- б) стандарт
- в) субстандарт
- г) шубҳали
- д) умидсиз

Тижорат банки қарз бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резерв барпо этиши шарт. Бу резервга маблағлар амалдаги тартибга мувофиқ киритилади. Қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резерв хўжалик органларга берилган кредитлар таҳлили ҳамда банк фаолиятининг риск даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш асосида ташкил қилинади. Резерв ҳажми амалдаги қарздорлик риск ҳужжати ёки гуруҳига боғлиқ бўлади. Тижорат банклари резерв ҳажмини ҳисобот ойининг ҳар биринчи куни учун амалдаги тартибга асосан ҳисоблаб чиқади. Берилган қарзлар киритилган «риск гуруҳи» ёмонлашган тақдирда қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резервга ажратмалар ҳар ойда ўтказиб борилади. Банк олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган қарз олувчига нисбатан банк кредит шартномаси шартларига кўра қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- агар у келишилган муддатларда банк тавсияларини бажармаса, кредитлаш тўхтатилиб, уни қайтариб олиш тўғрисида огоҳлантирилган даъво хати юбориш;

- кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ўз вақтида тўланмаган, шунингдек кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтарилиши эҳтимолдан узоқ бўлган ҳолларда, қарз олувчига банкротлик тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланиши ҳақида огоҳлантириш берилган даъво хати юборилиб, кредит бўйича қарз қолдиғини муддатдан олдин ундириб олиш;

- қарз олувчи ҳисоб юритиш ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларини бузганлиги аниқланса, кредитлашни тўхтатиш ва бу ҳақда солиқ инспекциясига хабар бериш, шунингдек, ундан ҳисоб ва ҳисобот қоидалари бузилиш сабаблари тўғрисида изох берилиши, уларни тугатиш юзасидан қандай чоралар кўрилаётгани билдирилишини талаб қилиш.

Кредитни ўз вақтида қайтариш борасидаги мажбуриятларни бажараётган қарз олувчи ўзининг тўловга лаёқатсизлиги тўғрисида

матбуотда эълон бериши, банк эса бу ҳақда солиқ инспекциясига хабар қилиши керак. Банк хўжалик судига мурожат қилиб, бундан буён қарз оловчи банкрот деб танилишини сўрашга ҳақлидир. Қарз оловчи тўловга лаёқатсиз ёки банкрот деб эълон қилинганда унга янги қарзлар бериш тўхтатилади, илгари берилган кредитлар эса муддатидан олдин ундириб олинади. Тўловлар навбати «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга мувофиқ белгиланади. Қарз оловчи банкрот деб эълон қилинган вақтдан бошлаб уни қуйидагилар билан боғлиқ операциялари тўхтатилади:

- мулкни бегоналаштириш ва бериш;
- мажбуриятларни қоплаш;
- ҳисоб-китобдаги ҳаражатлар;
- дивидендлар, солиқлар, тўловлар тўлаш.

Тўловга лаёқатсиз қарз оловчининг барча қарз мажбуриятлари тугаган ҳисобланади ва унга янги талаблар билдирилишига йўл қўйилмайди. Бундай қарз оловчининг барча турдаги қарзларига пеня ва фоизлар қўйиш тўхтатилади. Унинг мулкни сотиб, пул ундириш борасидаги барча чеклашлар бекор қилинади. Мулкӣ ёки молиявий тусдаги ҳамма талаблар фақат тугатиш жараёни доирасида ҳал қилинади. Бунда банк талаблари иккинчи навбатда қаноатлантирилади.

Мулк етарли бўлмагани туфайли қондирилмаган қарз мажбуриятлари қаноатлантирилган ҳисобланади ва белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади. Кредитдан кўзланмаган мақсадларда фойдаланганлик учун қарз оловчи банкка кредит шартномасида белгиланган ҳажмда жарима тўлайди. Банк эса ўз навбатида, тузилган шартномага мувофиқ қарз оловчини кредит ресурслари билан таъминлаши шарт. Банк ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда қарз оловчига шартномада кўзда тутилган миқдорда жарима тўлайди.

Назоратдан фарқли кредит мониторинги кредитлар ҳолатини доимий кузатиб боришини кўзда тутати.

Умуман, кредитлаш операциялари тижорат банкларининг ўз кредит сиёсатлари асосида, Марказий банкнинг кредит сиёсатига қуйилган талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилади. Кредит мониторинги кредит сиёсатининг ажралмас таркибий қисми бўлиб мижозларга берилган кредитларнинг қайтарилишини, қолаверса, банкларнинг асосий даромад манбаларидан бири ҳамда энг рискли операцияси бўлган кредитлаш банкнинг рақобатбардошлилигини, рентабеллигини қисқача ифодалаганда, банкнинг келажагини таъминлайди. Кредит мониторинги берилган кредитларни қайтарилиши ва уни таъминлаш борасида қабул қилинадиган ишловлар ва чора-тадбирлар тизимидир. Кредитлар кредит қўмитасининг қарори асосида, белгиланган меъёрий шартлар асосида, алоҳида ссуда ҳисобрақамини очиш ва ушбу ҳисобрақамдан қарз олувчининг тўлов топшириқномаси асосида моддий товар бойликлар учун нақд пулсиз ўтказиш йўли билан қарз берилади. Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва у қарз олувчи томонидан унинг лойиҳаси ва кредит шартномаси шартларининг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишига қаратилган бўлиши лозим.

Мониторинг жараёнида кредит олган мижознинг хўжалик молиявий фаолияти, унинг тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш ҳаражатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда ва даромад мутаносиблиги, ўз айланма маблағлари мавжудлигининг динамикаси, товар - моддий бойликлар заҳиралари аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши таҳлил қилинади. Банк қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги бўйича доимий мониторингни амалга оширади ва унинг кўрсаткичларини қарздорнинг кредит пакетига тикиб боради. Булардан ташқари банкка тақдим этилган гаровнинг ҳолати ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиши кредит шартномасида келишилган шартларга мувофиқ гаров объекти фаолият жойининг ўзида ўрганилади.

Қурилишни молиялаштириш учун берилган кредитлар бўйича банк мониторинг жараёнида кредитланган объектда кредит шартномасида қайд этилган муддатлар ва шартлар асосида бажарилган ишлар ҳажмининг назорат ўлчовини амалга оширади. Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофик ишлатилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан муддатдан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга. Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаса, банк Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мустақил равишда судга мурожаат этмасдан, гаров предмети тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган, 432-сонли «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан кредит мониторинги фаолиятида қўлланиладиган ҳужжатлар келтирилган. Унга кўра, тижорат банклари ҳар бир берилаётган ёки олинаётган кредитлар бўйича кредит пакетида қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш лозим:

- қарздорнинг молиявий аҳволи ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириши имкониятларини текшириш мақсадида тегишли шартномалар тузилганидан сўнг банк ва қарздор ўртасида юз берган муаммоларни акс эттирувчи ёзишмалар ва ҳужжатлар;

- кредит таъминоти сифатида берилган мулкни текшириш ҳужжатлари;

- қарздор кафилининг молиявий аҳволини акс эттирган барча ҳужжатлар;

- кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминловчи ҳужжатлар;

- қарздор тўловларни амалга оширмаган ҳолда банк томонидан кўрилган чора-тадбирларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Кредит мониторингига қўйиладиган талаблар қуйидагиларни ташкил этади:

- кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим;

- кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари керак;

- қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича «тўловсизлик» тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши лозим. Ҳисоботларда аҳволнинг ёмонлашиши, яширин сабаблари ва соғломлаштириш режалари батафсил баён этилади. Сиёсат қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит мониторинги фаолиятининг асосий тамойили қуйидагиларга асосланиши керак:

1. Турли хил кўринишдаги кредитларнинг даврий назорати. Бу назорат асосан кичик ҳажмдаги кредитлар юзасидан бўлиб, 30 кунлик, 60 кунлик, 90 кунлик назоратлар шаклида бўлади.

2. Кредит назорати босқичларининг диққат билан қайта кўришни, яъни:

– мавжуд кредит бўйича тўловлар ҳисоби маълумотларининг ишончлилиги;

–кредит таъминотининг ҳолати ва сифати;

–ҳуқуқий жиҳатдан кредит қайтарилишининг ишончли маълумот;

–ҳужжатларининг тўлиқ бўлиши лозим;

–мижознинг банк кредити бўйича молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар ва натижада кредит миқдорининг ортиши ёки қисқартирилиш даражаси;

–берилган кредитнинг банк кредит сиёсатига ва стандартларига мос бўлиши.

3. Муаммоли ссудаларни тез-тез текширилиши.

4. Иқтисодий нобарқарорлик даврида кредитларни тез-тез назорат қилиш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда кредитлаш соҳасида энг асосий муаммолардан бири кредитнинг тўлиқ қайтарилишидир. Бу ўринда кредит мониторинги жуда катта аҳамиятга эга. Кредитларнинг тўлиқ қайтиб келмаслигига асосий сабаб, «кредит танлови»нинг иқтисодий тамойилга мос тушмай қолишидир. Бу йўқотишлар, хатолар бевосита кредит олувчи субъект ҳақида маълумотларнинг етарли эмаслиги ёки объектив эмаслигидан юзага келади. Бунинг учун хориж амалиётида кенг қўлланиладиган ва ҳозирда Ўзбекистонда ҳам амалиётга тадбиқ қилиниб борилаётган кредит Бюросини ташкил қилиш, унда марказлашган ҳолда, мижозлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бера оладиган ахборотлар базасини яратиш ва уни ишончли ва объектив ишлашини шакллантириш банклар учун, иқтисодиёт учун, бир банк инфраструктураси учун катта фойда келтиради. Биринчидан, тезкор маълумотлар асосида банклар ҳамда мижозлар вақтдан ютадилар. Иккинчидан, бу тезкор маълумотлар кредит ҳаражатларини пасайтиради, учинчидан, банк фаолияти о перативлигини, барқарорлигини, салоҳиятини оширади ва албатта, кредит мониторинги ишлари ҳам қисман енгиллашади, хусусан муаммоли кредитларнинг камайиши ҳисобига. Кредит мониторинги ишларини енгиллаштирадиган яна бирор хусусий ечим кредитларни беришда мижознинг бизнес лойиҳасидан келиб чиққан ҳолда, лойиҳанинг маркетинг тадқиқотининг ҳаққонийлиги, ҳаётга яқинлиги бўлиши керак чунки янги ишлаб чиқариладиган товарга талаб қанчалик юқори бўлса, лойиҳанинг молиявий натижаси ҳам самарали бўлади.

Бу эса, кредитларни тўлиқ қайтарилишини таъминлайди. Зотан, кредит мониторингининг асосий вазифаси мижозга кредитни қайтаришига кўмаклашишдир.

ХУЛОСА

Қисқа муддатли кредитлаш жараёни банклар фаолиятининг бирламчи аҳамиятга эга бўлган асосий йўналиши бўлганлиги сабабли, кредит амалиётларининг самарадорлиги тижорат банки молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Банклар кредит амалиётларининг самарадорлиги эса, ўз навбатида, уларнинг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш орқали таъминланади.

Тижорат банклари кредитлари иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуrollантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлашга, шунингдек мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга оширишга хизмат қилади. Тижорат банкларининг кредитлари ҳажмини ошириш банкларнинг ресурс базаси билан боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти инқироз шароитида иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш хусусида фикр билдириб: “Жаҳон молиявий иқтисодий-инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди”²¹ деб таъкидлаганлари муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт тармоқларини янги техника-технология билан таъминлаш ушбу соҳаларда ишлаб чиқариш қўламини оширади ва натижада ялпи ички маҳсулотнинг ошиши ҳисобига иқтисодий ўсишга эришилади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш орқали эса мамлакат ишлаб чиқарувчи корхоналарининг ишлаб чиқариш ва реализация ҳажми жадаллаштирилади. Шунингдек,

²¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.– Б.37.

кўрсатиладиган хизматлар салмоғи ҳам ошади. Бу эса ўз навбатида мамлакатда ЯИМнинг ошишини ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодиётда ички талабни рағбатлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб, истеъмол кредити хизмат қилади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида истеъмол кредитига мамлакат иқтисодиётидаги ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий муҳим восита деб қараш мумкин. Чунки, истеъмол кредити орқали ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар реализациясига ижобий таъсир кўрсатилади. Тижорат банкларининг жисмоний шахсларни кредитлаш амалиёти аҳолининг вақтинчалик эҳтиёжини талабга айлантиради, яъни ушбу эҳтиёж банк кредитлари орқали кондирилади.

Тижорат банкларининг корхоналарни қисқа муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш мақсадида:

- мижозлар фаолиятининг хусусиятларига кўра кредитлаш шакллари кўллаш лозим;
- пул оқимини таҳлил қилиш асосида кредит тўлов қобилияти аниқланадиган мижозлар гуруҳини шакллантириш лозим;
- кредитлашда аста-секин эътиборни объектга эмас, балки субъектга қаратишга ўтиш зарур.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида стратегик соҳа ва тармоқларни ривожлантириш банкларнинг кредит қўйилмалари миқдорини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Республикаимиз тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Кредит сиёсатида уларни жойлаштиришнинг тармоқ лимитларини ўрнатиш.
2. Республикаимиз тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражаси оширилиши лозим. Бунда қисқа муддатли

кредитларнинг тармоқ бўйича, мулкчилик шакли бўйича таҳлил қилиб бориш лозим.

Агар тижорат банки кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисми битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланиши банкнинг кредит портфелининг диверсификация даражаси паст эканлигидан, банк фаолиятидаги кредит rischi кучайганлигидан далолат беради.

4. Тижорат банклари мижозларининг аксарият қисмида пул оқимининг бекарорлигини ҳисобга олиб, банкларда мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий коэффициентлар усулидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Республикамизнинг катор тижорат банкларида қўлланилаётган кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш кўрсаткичлари мижознинг пул оқимини реал даражасини аниқлаш имконини бермайди. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолат етарли даражада баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланилмаётганлиги ва ўртача тармоқ кўрсаткичларини доимий равишда эълон қилинмаётганлиги билан боғлиқдир. Баҳолаш кўрсаткичларининг асосий қисми ўртача тармоқ кўрсаткичлари билан қиёсий таққослаш асосида аниқланади. Шу боисдан, мунтазам равишда эълон қилинадиган ва ҳақиқий ўртача тармоқ кўрсаткичларининг бўлиши баҳолаш тизимини такомиллаштиришнинг зарурий шарти ҳисобланади.

5. Тижорат банклари кредитларнинг гаров таъминотида қўйиладиган талабларни унификациялаш ва уларни республика Марказий банки томонидан ўрнатилишини жорий этиш лозим;

6. Қисқа муддатли кредитлашнинг овердрафт, контокоррент усулларини жорий қилиш лозим.

Юқоридаги таклифларимизнинг банк кредит фаолиятига жорий этилиши кредитлаш жараёнини, кредит самарадорлигини яхшилаш борасида ва банкларнинг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р Р Ё Й Х А Т И.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.Шарқ, 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 21 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель.
4. Ўзбекистон республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни. 2006 йил 15 сентябр.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонуни. 2011 йил 4 октябрь.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров реестрини тўғрисида”ги Қонуни. 2013 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.Ўзбекистон 2011 й. 728 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сон Фармони, 2008 йил 28 ноябрь. “Халқ сўзи” газетаси 29.11.2008 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053-сон Фармони, 2008 йил 18 ноябрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узок муддатли кредитлари улушини қўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сонли Қарори, 2009 йил 28 июль.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317-сонли Қарори, 2010 йил 6 апрель.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1501-сонли Қарори, 2011 йил 11 март.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 й.27 ноябрь

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 22 февралдаги 429-сон “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низоми.

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги 432-сон “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 21 майдаги 575-сон “Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахборотлари тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2011 йил 10 сентябрдаги “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 26/1-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган

талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 34/16 – сонли Қарори.

20. Каримов. И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. –Т.: Ўзбекистон, 1995.

21. Каримов. И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

22. Каримов. И.А. “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”.- Т.: Ўзбекистон, 2010 - 56б.

23. Каримов. И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Ф.М.Муллажанов таҳрири остида. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -528 б.

24. Каримов. И.А. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” .: Ўзбекистон, 2013 – 62 б.

25. Каримов. И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” .: Ўзбекистон, 2014 - 64б.

26. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.- Т.: Молия, 2002. - 304б

27. Абдуллаева Ш.З. “Банк иши” ўқув қўлланма Т. “Iqtisod-Moliya” 2010 й.178 б.

28. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.

29. Абдуллаев Ё.А., Қоралиев Т.М., ва бошқалар “Банк иши”. Дарслик - Б.М.: Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2009. - 576 б.

30. Абдуллаева Ш.З.Банк рисклари. -Т.: ТМИ. 2002й

31. Белоглазова Г.Н. Банковское дело: Учебник для вузов – СПб.: Питер, 2008 - 400с.

32. Ермаков С.Л. Основы организации деятельности коммерческого банка: учебник. – М.: КНОРУС, 2009 – 656с.

33. Ендовицкий Д.А., Бочарова И.В. Анализ и оценка кредитоспособности заёмщика: учебно-практическое пособие. – М.:КНОРУС,2008 – 264с.

34. Жуков Е.Ф., Зеленкова Н.М. Деньги. Кредит.Банки: учебник для студентов вузов.- 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009-783с.

35. Куликов А.Г. Деньги, кредит, банки: Учебник. – М.: КНОРУС,2009 – 656С

36. Лаврушин О.И. Банковский менеджмент: учебник / кол.авторов; под ред. д-ра экон.наук, проф. О.И.Лаврушина.- 2-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009 - 560с.

37. 2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

38. Микрокредитбанк, Ипотекабанк, Асака банк, Халқ банки ҳисобот маълумотлари.

39. Интернет ресурслари.

www.cbu.uz

www.worldbank.org

www.banker.uz

www.ebrd.org

www.review.uz

www.finance.uz

www.mineconomy.uz

www.isdb.org